АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил 22 ОКТЯБР сешанба № 42 (298) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

БЕБАҲО МАЪНАВИЙ МУЛК

Дунёда байрамлар кўп. Касб-ҳунардан тортиб, оддий буюм ёхуд нарсага аталган байрамлар ҳам бор. Лекин умумхалқ миқёсида нишонланадиган байрамлар саноқли. Ана шундай камёб тантаналар сирасига тил байрами ҳам киради.

Тил байрами бутун миллат нишонлайдиган мўътабар маросимдир. Гап шундаки, тил миллатнинг ўзлигини ифода этади. У миллат ўзлигининг асосий шартидир. Янаям тўғрироғи, тил миллат қиёфасини белгилайди. Шу сабаб босқинчилар қайси миллатни қул қилмоқчи бўлса, дастлаб унинг тилини йўқотишга ҳаракат қилишган. Тилини йўқотган халқ мутелик ва таназзулга маҳкум саналган. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Тил — инсоний белгиларнинг муайян тизими бўлиб, у инсон мулоқотининг бевосита воситачисидир. Зеро, жамиятнинг муайян тарихий тараққиёт босқичида одамлар тил ёрдамида уюшган. Бу эса халқ тилини миллий тилга айлантирган. Демак, тил миллат тараққиётида ҳал қилувчи омил вазифасини ўтайди. Бошқача айтганда, миллатнинг энг муҳим хусусиятлари тилда ўз аксини топган.

Албатта, тил тараққиёти жамиятдаги муайян қонуниятлар асосида рўй беради. Шу боис тил жамиятни ўзида акс эттирувчи кўзгу ҳисобланади. Бинобарин, давлат мустақиллиги ва давлат тили деган тушунчаларни бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

"Давлат тили тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва қадриятларини тиклаш йўлидаги буюк қадам бўлди, десак, хато бўлмайди.

Энг муҳими, мазкур қонунда ўзбек тили ўзбек халқининг бебаҳо маънавий мулки эканлиги белгиланган.

Ҳақиқатдан ҳам, мустақиллик ҳар кимнинг ўз тилига эга бўлишига ишонч туйғусидан бошланади. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши миллий мустақиллигимизнинг маънавий пойдевори бўлди.

Ўзбек тили ҳақида гапирар эканмиз, аввало миллий тил нима деган тушунча ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

Миллий тил — кишиларнинг тарихан ташкил топган барқарор бирлиги — миллатнинг ёки элатнинг умумий тили, уларнинг фикр алмашиши ва мулоқот воситаси, муҳим ривожланиш омилидир. Демак, ҳар бир миллатдошимиз миллий тилимизнинг мавқеини асрашга, унинг бойишига ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Тарихга назар ташласак, аждодларимиз тилга алоҳида эътибор берганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, ҳазрат Алишер Навоий ўз асарларида тилга эътибор — элга эътибор эканини уқтирган.

> ***Ўзбекистон Республикасида давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда унинг ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилади.***
>
> **«Давлат тили тўғрисида»ги Қонун, 4-модда**

Истиқлолдан сўнг тилимизга ҳам чинакам эркинлик берилди. Ҳар бир соҳанинг тили ривожланишга юз тутди. Хусусан, мамлакатимизда қонун тили ҳам шаклланди. Бу тилда кўпдан-кўп қонунлар ва бошқа ҳуқуқий адабиётлар чоп этилди.

Ўзбек тилшунослиги, унинг тармоқлари ривожи мустақиллигимиз шарофати билан янада ошди. Ўз Конституциямизнинг яралиши, янгидан-янги қонуний акт, ҳужжатларнинг қабул қилиниши ўзбек юридик тилининг тармоғи ҳисобланган — юридик терминологияси шаклланиши учун қулай шароит яратиб берди.

Ўзбекистонмиз суверенитети юриспоруденцияга бўлган эътиборни тубан ўзгартирди. Биз ўз Қомусимиз — Конституциямизга эга бўлдик, қонунларимиз миллий тус олди ва энг асосийси — мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини илмий ўрганиш давлатимиз сиёсатининг муҳим вазифасига айланди. Инсон ҳуқуқларига оид қатор тадбирларнинг амалга оширилиши, қонуний ҳужжатлар яратилиши, фикримизнинг далилидир.

Ҳар бир фуқаромиз давлатимиз қонунларини пухта билмоғи, англамоғи лозим. Қонунларимиз қанчалик аниқ, тушунарли бўлса, унга риоя қилиш ҳам ижобий бўлади. Бунда, албатта, она тилимизнинг хизмати беқиёсдир. Чунки ҳар бир қонун қимматини энг аввало тил ҳал қилади. Яъни, қабул қилинаётган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари қанчалик содда, аниқ, равон тилда баён этилса, улар кишилар онги, тафаккурига тезроқ етиб боради ва ўзининг ижтимоий таъсирчанлигини оширади.

Она тилимизга Давлат мақоми берилганлиги, унинг халқаро миқёсда обрў-эътибори ортиб бораётгани, ҳаётимизнинг кундан-кунга равнақ топиши ўзбек терминологиясини ҳар томонлама пухта ўрганиш зарурлигини талаб этади.

Мамлакатимизнинг равнақ топишида, ҳуқуқий давлат қуришда ҳуқуқ ва тилнинг ўзаро алоқадорлиги, улар ўртасидаги муносабат муҳим аҳамият касб этади. Юридик соҳа ривожланар экан, юридик тил унга мутаносиб равишда ривожланади, юридик терминология равнақ топади. Аммо шу билан бирга бу борада айрим ноаниқлик ва хилма-хилликларнинг мавжудлиги ҳам намоён бўлиб қолмоқда. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун махсус тадқиқотларни амалга оширишни давом эттириш лозим. Буларнинг ҳаммаси она тилимизнинг ҳозирги юридик терминологиясини яхлит ҳолда ўрганишни тақозо этади.

Хуллас, давлат тилимизнинг мавқеини кўтариш учун ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз лозим. Уларни ҳал этиш учун ўз тилимизни севишимиз, уни асраб-авайлашимиз, унинг софлиги ва бойлиги учун фидокорона курашмоғимиз лозим. Зеро, ўзбек тили халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлигидир.

Клара БОЙМУҲАММЕДОВА,
Гулнора ҒУЛОМОВА,
ТДЮИ ўқитувчилари



Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир. Ўз она тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар.

Ислом КАРИМОВ

18—20 октябр кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

* * *

Асака мотор таъмирлаш заводи негизида янги ташкил этилган Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасига "Ўзроемотор" номи берилди.

* * *

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида лотин ёзуви асосидаги янги имло ҳамда ўзбек тилини ўқитиш муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

* * *

Навоий шаҳрида "Ўзбек тили ва умуминсоний қадриятлар" мавзусида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

* * *

Мамлакатимизга АҚШ дан умумий қиймати 3,5 миллион долларга тенг замонавий тиббиёт аппаратураси ва асбоб-ускуналар келтирилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида Бош қонунимизнинг 10 йиллигига бағишлаб, «Конституциянинг асосий қоидаларини аҳолига етказиш ва тушунтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги солиқ ва божхона идоралари академиясида халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ механизмининг ўрнига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

* * *

Тошкент шаҳар прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Республика Конституциявий ҳамда Олий судлари ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — қонунчилик ва ҳуқуқ тартибот гарови" мавзусида конференция ўтказилди.

Tashabbus

МАҲАЛЛА АДВОКАТИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардаёқ халқимиз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу эса аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини барча соҳаларда кенг йўлга қўйишни тақозо этарди. Шу боис ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлини танлаган мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Истиқлолнинг эркинлик сиёсати ва ўтказилган ислоҳотлар самараси ўлароқ, юртимизда инсон шахси, қадр-қиммати ва эркинлиги олий қадрият даражасига кўтарилди. Инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш, эркин фаолиятни рағбатлантиришнинг мустаҳкам ҳимоя тизими яратилди. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, суд-ҳуқуқ тизимининг такомиллаштирилиши ўз вақтида адвокатура тизими фаолиятини ҳам ислоҳ қилишни талаб этади. Таъкидлаш ўринлики, сўнгги йилларда бу борада ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, адвокатура тизими тубдан қайта ташкил этилиб, фуқаролар ҳамда юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг бозор муносабатларига мос бўлган янги шакллари вужудга келмоқда. Буни қуйидаги мисолларда ҳам яққол кўриш мумкин. Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 1717 нафар шахсга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома — лицензия берилди. Бу адвокатликка талабнинг ортаётганидан далолатдир. Яқинда шаҳар адлия бошқармаси пойтахтдаги маҳаллаларда адвокатлик фаолиятини йўлга қўйиш ҳақидаги ташаббуси билан чиқди. Ана шу ташаббус натижаси ўлароқ, пойтахтдаги бир қатор маҳаллада адвокатлар фаолият кўрсата бошлади. Бу усул ҳозирданоқ яхши самара бермоқда. Эндиликда одамлар ўзларини қизиқтирган ҳар бир муаммо юзасидан адвокатдан маслаҳат олишмоқда. Бошқача айтганда, маҳалла ўз муаммоларини адвокат ёрдамида ҳал этмоқда. Олдинлари хорижий давлатларда ҳар бир оиланинг ўз адвокати бўлишини эшитардик, холос. Мамлакатимиз пойтахти маҳаллаларида адвокатлик фаолиятининг йўлга қўйилиши ва ҳар томонлама аҳоли манфаатига хизмат қилиши бу жараённи хориж тажрибасига бир қадар яқинлаштирибгина қолмай, мамлакатимизда адвокатура тизимини ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлади, дейиш мумкин.

Тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, бозор муносабатларига қанчалик чуқурроқ кириб борилар экан, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб боради. Шу маънода айтиш мумкинки, Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг бу ташаббуси кенг қанот ёйишга ишончимиз комил.

Низом ЗОКИРОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи муовини

Saboq

КЕЛИШУВ БИТИМИ

РАИСНИ СУДЛАНИШДАН АСРАДИ

Суд бугунги кунда ўтмишдаги каби қатағон ва жазолаш аппарати эмас, балки ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган мустақил давлат институтига айланмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари туфайли тизимда жарима, ярашув, келишув тушунчалари пайдо бўлди. Уларнинг амалиётда қўлланилиши фуқаролар манфаатига хизмат қилмоқда.

Бахмал туманидаги "Дониёр" фермер хўжалигига туман ҳокимининг қарорига мувофиқ олти гектар ер майдони ажратилган эди. Аммо "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги маъмурияти фермерга негадир икки гектаргина ер берди, холос. Қолган ер майдони бошқаларга "тортиқ қилингани"ни кўрган фермер хўжалиги раҳбари Жиззах вилоят хўжалик судига мурожаат этди.

Судья А. Қаҳҳоров мазкур иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашга киришганида, ширкат хўжалиги раҳбари жазо муқаррарлигини сезиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Шунда судья улар ўзаро келишишлари мумкинлигини айтганидан сўнг тарафлар ўртасида "келишув битими" тузилиб, суд томонидан тасдиқланди. Шундай қилиб, раис ножўя қилмиши учун белгиланган тартибда жабрланувчидан узр сўради ва судланишдан омон қолди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

"ИНСОН ва ҚОНУН"га

ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетанинг 2002 йил 6 август сонида чоп этилган **"Ким ҳақ-у ким ноҳақ"** сарлавҳали мақоласи юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

Фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судига даъвогар Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси "Чамбил" фермер хўжалиги манфаатларини кўзлаб, жавобгарлар Китоб туман "Зарафшон" қишлоқ хўжалиги собиқ раиси Б.Шоимов, ижарачилар Ж. Ҳакимов, А Пўлатовларга нисбатан ерни қайтариб олиш, 200.000 сўм моддий, 200.000 сум маънавий зарарни ундириш ҳамда 2001 йил 18 сентябр кунидаги ноқонуний тузилган ижара шартномасини, 18, 20, 23-ноябрь кунларидаги Кенгаш аъзолари йиғилишининг қарорини бекор қилиш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро суди мазкур даъво аризаси бўйича фуқаролик ишини 2002 йил 9 июл куни кўриб чиқиб, даъво аризасини рад қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган.

Даъвогар Қашқадарё вилоят адлия бошқамаси ва "Чамбил" хўжалиги раиси А.Шароповлар бу ҳал қилув қароридан норози бўлиб, апелляция тартибида ҳал қилув қарорини бекор қилиш, даъво аризасини қаноатлантириш тўғрсида ҳал қилув қарорини чиқаришни сўраб шикоят келтиришган.

Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанция судлов ҳайъати томонидан 2002 йил 4 октябр куни "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасининг 2002 йил 6 август куни 31-сонида чоп этилган "Ким ҳақ-у, ким ноҳақ?" мақоласи, даъвогарлар Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси, "Чамбил" фермер хўжалиги раиси А. Шароповларнинг апелляция тартибида келтирган шикоятлар билан биргаликда кўрилиб, мақолада баён қилинган ҳолатлар апелляция шикоятларида ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариш учун келтирилган важларни, фуқаролик ишида тўпланган ҳужжатлар билан биргаликда текшириб, қонун талаблари асосида муҳокама қилиб, фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судининг 2002 йил 9 июл куни иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори қонун талаблари асосида чиқарилмагани, иш бўйича далиллар тўлиқ текширимагани, манфаатдор тарафлар ишда иштирок этиш учун жалб қилинмагани аниқланганлиги сабабли бутунлай бекор қилиниб, ишни қайтадан кўриш учун биринчи босқич судига юбориш тўғрисида ажрим чиқарди.

У. ХОНКЕЛДИЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди раиси

* * *

Вилоят прокуратураси идоралари томонидан газетанинг шу йил 20 август кунидаги 33-сонида чоп этилган ***"Айбдорни қидириш айб эмас"*** *сарлавҳали мақола ўрганиб чиқилди.*

Аниқланишича, вилоят адлия бошқармаси томонидан 2002 йил, июн ойида Тайлоқ туманидаги "Ширмойи ССА" масъулияти чекланган жамият раҳбари Ш. Тўраевнинг аризаси юзасидан акционерлик тижорат "Ғаллабанк"нинг Самарқанд вилоят минтақавий филиалида текшириш ўтказилган.

Текшириш давомида "Ширмойи ССА" масъулияти чекланган жамияти директори Н. Назарова паррандачиликни ривожлантириш учун 6 миллион 900 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратишни сўраб, 2002 йил 29 январ куни АТ "Ғаллабанк" вилоят минтақавий филиалига ариза билан мурожаат қилгани, банк маъмурияти томонидан аризани қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиблари бузилгани, 2002 йилнинг 26 феврал куни банк маъмурияти ва жамият ўртасида 7-сонли кредит шартномаси тузилиб, шартноманинг 9.1-бандига кўра қарздор томонидан кредит таъминоти учун суғурта агентлиги кредит қайтмаслик хатарини 100 фоиз суғурталаш ҳақида суғурта полиси тақдим этилганидан сўнг кучга кириши белгиланган, "Ширмойи ССА" МЧЖ томонидан шартнома шартига кўра, "Мадад" суғурта компанияси ва "Ўзагросуғурта" Давлат акционерлик суғурта компанияси томонидан 2002 йил 7 март ва 11-март кунлари суғурта полислари тақдим этилишига қарамасдан 2002 йил июн ойига қадар кредит маблағи ажратилмасдан келингани аниқланди.

Текшириш якунларига кўра, вилоят адлия бошқармаси томонидан 2002 йилнинг 3-июн куни банк бошқарувчиси М. Ҳасанов номига банк фаолиятига оид қонун талабларига қатъий риоя этиш ва бу борада мавжуд қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш, "Ширмойи ССА" МЧЖ жамияти билан тузилган кредит шартномасига асосан белгиланган 6 миллион 900 минг сўм кредит маблағини берилиши ҳамда қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйган банк ходимларига нисбатан интизомий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш тўғрисида тақдимнома киритилган.

Вилоят адлия бошқармасининг бу тақдимномаси 2002 йил 11 июн куни акционерлик тижорат "Ғаллабанк" Самарқанд вилоят минтақавий филиали томонидан кўриб чиқилиб, кўрсатилган қонунбузилиши ҳолатлари бартараф этилгани ва "Ширмойи ССА" МЧЖ га кредит шартномаси шартларига кўра, 2002 йил 12 ҳолатига 6 миллион 900 минг сўм пул маблағлари 3 йил муддатга ажратилганлиги билдирилган.

Текшириш якунига кўра, вилоят адлия бошқармаси томонидан акционерлик тижорат "Ғаллабанк" Самарқанд вилоят минтақавий филиалида ўтказилган текшириш бўйича қонунбузилиши ҳолатларини батараф этиш тўғрисидаги тақдимнома асосли ва қонуний киритилганлиги аниқланди.

А. АЗИЗОВ,
Самарқанд вилояти прокурори ўринбосари

Konstitusiya va biz

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ УЙҒУНЛИГИ

Яқинда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлган Бош Қомусимиз — Конституциянинг қабул қилинганига ўн йил тўлади. Бош Қомусимизнинг асл моҳиятини очиб бериш, унинг фалсафа ва ғоясини кенг халқ оммасига тушунтириб бериш ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайдиган масаладир. Шуни эътиборга олган ҳолда тахририят янги рукн очишга қарор қилди. Ушбу рукнда Конституциямизнинг асл маъно-мазмунини шарҳлашга қаратилган туркум мақолалар чоп этиб борилади. Қуйида шу туркумдаги дастлабки мақола билан танишасиз.

Ҳар қандай жамият ва давлатда шахснинг ҳуқуқий аҳволи тўғрисидаги масала энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Адолатли ва демократик давлатдагина ҳуқуқий шахс эркинлиги мавжуд бўлади. Шахснинг ҳар томонлама равнақ топиши учун шароит яратилади. Куни кеча халқимиз бошидан кечирган шўро замонида шахс эркинлиги, шахс дахлсизлиги, шахснинг ҳар томонлама равнақ топиши учун имкониятлар яратилганлиги ҳақида қуруқ сафсаталар сотиларди-ю, амалда эса бунинг бутунлай тескарисини кўриш мумкин эди. Бунга мисол тариқасида яқин ўтмишда "пахта иши" деб бутун ўзбек халқига қилинган туҳмату бўҳтонлар, минглаб кишиларни ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш ҳолларини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя.

Бугунги кунда — инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас ҳисобланади. Шу боис улар давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Маълумки, ҳар қандай давлатда инсон ва жамият, шахс ва жамоа ўзаро алоқадор бўлади Жамоанинг бир бўлаги ҳисобланган шахснинг ҳам, жамоанинг ҳам ўз манфаатлари мавжуд. Мамлакатимиз бош қомуси бўлган Конституциямиз ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг уйғунлигини расмийлаштиради ва кафолатлайди. Шу билан бирга шахсий манфаатлар ижтимоий манфаатларга зиён келтирмаслиги лозимлигини қонун асосида белгилаб беради. Хусусан, Конституциянинг 20-моддасида фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт, деб белгиланган. Демак, ҳар бир фуқаро Конституцияда эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланар экан, фақат ўз манфаатларини ҳисобга олмасдан, бошқа фуқароларнинг манфаатлари билан ҳам ҳисоблашмоғи лозим. Бошқача айтганда, ўзи билан бирга жамиятнинг ҳам, давлатнинг ҳам манфаатларини унутмаслиги лозим. Ушбу инсонпарварлик тамойили Конституциямизнинг бошқа моддаларида ҳам қайд этилган. Масалан, 48-моддага биноан фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдир.

> ***Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.***
>
> **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 20-модда**

Мазкур қоидаларда ижтимоий манфаатлар билан шахсий манфаатларнинг уйғунлиги акс эттирилган. Манфаатларнинг бундай бирга қўшилиши фақат ижтимоий адолат қарор топган демократик жамиятга хосдир. Шу боис Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари уларнинг жамият ва давлат олдидаги бурчлари билан чамбарчас боғланган. Чунки бир кишининг ҳуқуқи бошқа кишининг бурчига тўғри келади ва унинг акси бўлиши мумкин. Шахс фақат ҳуқуққа эга бўлиб, бошқалар эса фақат бурчга эга бўлиши мумкин эмас. Шу ўринда шахснинг ҳуқуқи нима-ю, унинг бурчи нима деган савол туғилиши шубҳасиз. Шахснинг ҳуқуқи қонун томонидан рухсат этилган ва амалга ошириш мумкин бўлган ҳаракатдир. Шахснинг бурчи эса унинг бажариши зарур деб топилган вазифадан иборат. Ҳуқуқлар ва бурчларнинг алоқаси демократик жамиятнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Зотан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1948 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Умумжаҳон Декларациясида "Ҳар бир киши жамият олдида бурчли бўлиб, фақат ана шу жамиятдагина унинг шахсини эркин ва тўла камол топтириш мумкин" дейилган. Демак, Ўзбекистон Конституцияси халқаро ҳуқуқнинг ана шу қоидаларини ҳам ратификация қилади, яъни расмий жиҳатдан тасдиқлайди ва ўзида мужассамлаштиради. Зеро, Конституциямизга биноан шахснинг ҳуқуқ ва бурчларини бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Акс ҳолда кимнингдир манфаатлари бузилиши, ҳуқуқлари поймол этилиши мумкин.

Масалан, ўзининг дам олиш ҳуқуқидан фойдаланаётган киши бошқаларнинг дам олишига тўсқинлик қилмаслиги даркор. Ёки фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигидан фойдаланаётган киши конституциявий тузумимизга қарши ахборот тарқатиш, давлатимиз сирларини, шунингдек, қонунда кўрсатилган ҳоллардан ташқари бошқа кишиларнинг оилавий ва шахсий сирларини ошкор этиш, бошқа шахсларнинг қадр-қимматини пастга уриш ёки обрўсизлантиришга ҳақли эмас. Худди шунингдек, мулкдор бўлишга ҳақлиман, деб бировларнинг мулкига кўз олайтиришга, тажовуз қилишга ҳеч кимнинг ҳакки йўқ.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Конституциянинг 20-моддаси ҳуқуқ ва бурчларнинг бир томонлама бўлиб қолиши маън этади. Яъни баъзи бировлар фақат ҳуқуққа, бошқалар эса фақат бурчга эга бўлиши мумкин эмас.

Бинобарин, Конституцияда фуқаролар зиммасига юкланган бурчлар айнан фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашга, давлатимиз ва жамиятимиз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Бердибек МУҲАМЕДОВ,
ҳуқуқшунос

Qonun ko`magi

КЕЛИШУВДАГИ ТЎҚСОН КУН

ЎТСА-ДА, ТАДБИРКОРНИНГ НИЯТИ РЎЁБГА ЧИҚМАДИ

Пойариқ туманининг "Янгиобод" ширкат хўжалиги ҳудудида кўчат етиштиришга йўналтирилган "Боғбон" фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Мазкур тадбиркорлик субъекти 1997 йилда ташкил этилган. Беш йил мобайнида фермер Равшан Самадов оила аъзолари билан кўпдан-кўп ниҳоллар етиштиришди.

Шу йилнинг эрта кўклами эди. Аниқроғи, 10 март куни шу туманда жойлашган Н. Азимов номидаги ширкат хўжалиги билан фермер хўжалиги ўртасида 30 минг дона тут кўчати етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилди. Шартномада ширкат хўжалиги тўқсон кун ичида "Боғбон" фермер хўжалигига тут кўчатлари пулини тўлаб бериши кўрсатилган эди. Шартнома тузилганидан бир ой ўтгач, ширкат хўжалигидагилар тут кўчати экиладиган майдонни тайёрлаб, ёш ниҳолларни олиб кетиш учун 112-сонли ишончнома билан ўз вакили Э. Мустафоевни фермер хўжалигига жўнатишди. У орқали 5-сонли юк хати билан ҳар бир донаси 35 сўмдан бир миллион 35 минг сўмлик 29 минг туп кўчат ширкат хўжалигига олиб кетилди.

Шундан сўнг фермер хўжалиги раиси Равшан Самадов ҳамкорнинг кўчат пулини тўлашини кута бошлади. Афсуски, ҳамкор лафзида турмади. Шартномадаги ҳисоб-китоб қилиниш муддати тугаб, орадан анча вақт ўтса-да, ширкат хўжалиги раҳбарлари пинакларини бузишмади. Фермер ҳақини сўраб хўжалик бошқаруви раиси М.Ғаниев ва бош ҳисобчи Ф.Зиёбоевлар ҳузурига кирди. Улар қуруқ ваъда беришни дўндиришди. Ниҳоят, фермер вилоят адлия бошқармаси эшигини тақиллатди.

Вилоят адлия бошқармаси унинг шикоятини ўрганиб, Н.Азимов номидаги ширкат хўжалиги ҳисобидан "Боғбон" фермер хўжалиги фойдасига устама билан қўшиб ҳисоблаганда 1 миллион 303 минг 260 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисида судга даъво ариза киритди. Даъво аризасида жавобгарлар ширкат хўжалиги бошқаруви раиси М. Ғаниев ва бош ҳисобчи Ф. Зиёбоевлар ҳисобидан фермер хўжалиги раҳбари Р. Самадов фойдасига етказилган маънавий зарарни ундириш ҳам сўралган. Хуллас, тўқсон кунлик келишув ёлғон бўлиб чиққач, тадбиркор қонунга таянишга тўғри келди. Қонун эса унга ёрдам берди.

Комил БАҲРИДДИНОВ,
Шарофиддин ЮСУПОВ,
ҳуқуқшунос

Bugunning gapi

МАҚСАД – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Мамлакатимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги соҳаси етакчи ўрин тутади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни тараққиётида эса етиштириш ва сотиш бўйича ички хўжалик шартномалар қандай бажарилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олиб, Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан ички хўжалик шартномалари ҳолати ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижасида айрим хўжаликларда қонун бузилишига йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Масалан, Ангор туманидаги М.Азизов" номидаги ширкат хўжалигида шартнома шартлари хўжалик томонидан бажарилмаганлиги натижасида 2002 йил ғалла ҳосили етиштириш мавсумида 45 та оилавий пудратчилар ишлаб чиқариш режасини бажармаганлиги маълум бўлди. Бунинг сабаблари таҳлил этилганда айрим пудратчилар ғалла парвариши мавсумида ўзларига ажратилган шартномадаги минерал ўғитларни ўз вақтида тўлиғича олмаганлиги оёнлашди. Шу хўжаликдаги оилавий пудратчи Шоди Ҳайдаров 5 гектарлик ерда деҳқончилик қилади. Бу йилги мавсумда ҳар гектаридан 44 центнердан жами 22 тонна ғалла етиштириш мажбуриятини олган. Аммо ғалла майсаларини парваришлаш чоғида шартномага кўра олиниши лозим бўлган 1850 килограмм минерал ўғит ўрнига 1027 килограмм ўғит олган, холос. Натижада ҳосилдорлик бўйича белгиланган шартнома шартлари бажарилмаган. Хўжалик эса оилавий пудратчига режани бажармаганлиги учун жарима солган. Адлия бошқармаси томонидан бу масалани ўрганиб чиқилиб, оилавий пудратчига солинган жарима бекор қилинди.

Деҳқончиликда минерал ўғитларнинг аҳамияти ниҳоят катта. Чунки минерал ўғит ҳосилдорликни оширади. Аммо вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" корхонаси фаолиятида фермер ва оилавий пудратчиларни ўз вақтида етарли миқдорда минерал ўғитлар билан таъминлашда жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Натижада оддий фермер ва оила пудратчилари маҳсулот етиштиришда моддий зарар кўраяпти. Шу йилнинг ўтган 9 ойида олиб борилган бу соҳадаги ишлар ўрганилганда корхонанинг Музрабод, Учқизил, Термиз, Олтинсой туманларидаги "Қишлоқхўжаликкимё" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларида шартнома шартлари бажарилмаганлиги сабабли хўжалик юритувчи субъектларга 2 миллион 802 минг миқдорида моддий ва 3330 минг сўм моддий зарар етказилгани аниқланди. Текширув натижаларига кўра етказилган зарарларни ундириш бўйича фуқаролик судларига 6 та даъво аризалари киритилди.

Қумқўрғон туманидаги "Турон" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида шартнома шартларига риоя қилинмаслиги натижасида 35 та фермер хўжалиги ўзларига тўланиши лозим бўлган ҳақдан 721 минг 602 сўм қарз, 120007 сўм моддий ва 500 минг сўм маънавий зарар кўрган. Бундай нуқсонларни "Сурхонпахтасаноат" ҳудудий ҳиссадорлик бирлашмаси фаолиятида ҳам учратиш мумкин. Жамият фаолиятида республика жамғармасидан ажратилаётган мақсадли маблағларни ўз ўрнида ишлатиш назорати анча сусайтириб юборилган, оқибатда бу маблағларни тегишли хўжаликларга бўлиб беришда адолатсизликка йўл йўл қўйилган. Натижада фермер хўжаликлари 500 минг сўмлик маънавий зарар кўришган. Вилоят адлия бошқармаси ушбу ҳолатлар бўйича етказилган зарарларни ундириш учун 50 та, мақсадли маблағлари ажратишда нотенглик ва ундан фойдаланишда назоратни сусайтирганликлари учун етказилган 740 минг сўмлик зарарни банк бошқарув раисларидан ундириш борасида 74 та даъво аризаларини судга юборди.

Қумқўрғон туманидаги "Мустақиллик" фермер хўжалиги 2000 йил 28 январь кунида 11 гектар ер майдонини 50 йил муддат билан ижарага олган. Бу тўғрисида хўжалик билан шартнома тузилган. Бироқ фермер жойлардаги тўраларча муносабат туфайли ўз ерига тўлиғича эгалик қилолмай сарсон бўлган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, фуқаролар К.Халилов ва Т.Эшниёзов фермерга қарашли бир гектардан ортиқроқ ерни ўз бошимчалик билан эгаллаб олиб, ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишган. Бу ҳолат бўйича Қумқўрғон туманлараро фуқаролик судига ноконуний эгаллаган ерни фермерга қайтариб бериш ва унга келтирилган моддий зарарни ундириш бўйича даъво аризаси киритилди.

Ана шундай қонунбузарлик Музрабод туманидаги "Янгиобод" ширкат хўжалигида оилавий пудратчи бўлиб ишлаётган Х.Раҳмонқулов фаолиятида ҳам учради. Гап шундаки, оилавий пудратчи ширкат хўжалиги билан тузган шартномага кўра унга биркитилган ер майдони шу хўжалик қошида ташкил этилган "БешқўтонНИР" фермер хўжалигига бериб юборилган. Адлия бошқармаси бу ҳолат бўйича Музрабод туман ҳокимлигига ерларни пудратчи ихтиёрига қайтариб беришни таъминлаш ва фермер хўжаликларига амалдаги қонун талаблари асосида ер майдони ажратиб бериш масаласини ижобий ҳал қилиш юзасидан тақдимнома киритди.

Шартнома ҳар иккала томон учун ҳам асосий расмий ҳужжат ҳисобланади. Жойлардаги ўзаро тузилган шартномаларни расмийлаштиришни ўрганилганда кўп ҳолларда уларнинг қонун талаби даражасида эмаслиги кўзга ташланади. Масалан, Бандихон туманидаги "Тошкент" ширкат хўжалиги 2002 йил ҳосили учун 95 та оилавий пудратчиларга суғориладиган ер майдонларини далолатнома асосида бўлиб берган. Шундан 43 та оилавий пудратчилар билан хўжалик ўртасида ўзаро 52 миллион 243 минг 456 сўмлик пудрат шартномалари тузилган. Аммо уларнинг қонунийлиги ўрганилганда кўпчилик шартномалар намунавий шаклда тузилмаганлиги, шартномаларда етказилган маҳсулотнинг миқдори, ялпи маҳсулот қиймати, иш ҳақи фонди, тузилган барча пудрат шартномаларда давлат режасидан ортиқча етиштирилган ғалла маҳсулотини натура ҳолда 100 фоиз пудратчига тўланиши кўрсатилмаган. Бундай нуқсонларни Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон, Шеробод, Ангор туманларида ҳам учратиш мумкин.

Шу йилнинг ўтган 9 ойида 7.256.117.450 сўмлик 735 та нотўғри тузилган шартномаларнинг барчаси адлия ходимлари иштирокида қайта туздирилиб, шартномавий муносабатларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш борасида 92 та тақдимномалар киритилди.

Ширкат хўжаликлари билан тузилган ўзаро шартномалар ўрганилиб чиқилганда уларнинг кўпчилигида оила пудратчиларининг имзолари, хўжалик мухри ва масъул ходимларнинг тасдиқловчи имзолари қўйилмаганлиги — шартномалар амалдаги қонунлар талабига жавоб бермаслиги ҳолатлари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, камчиликларни санаб ўтиш асосий мақсад эмас. Гап бу ўринда қонунга итоат этиш ҳақида бормоқда. Чунки амалдаги қонунлар ҳар бир бажариладиган режанинг талаб даражасида бўлишини тақозо этади. Қаердаки қонун устуворлигига эришилса, ўша ерда иш ҳам олға силжийди, ўзибўларчилик, сарсон-саргардончилик каби ёт иллатларга ҳам чек қўйилади. Бу эса кўп жиҳатдан фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ, билиши ва уни амалда қўллашига боғлиқ. Шу сабаб жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қонун устуворлиги учун курашмоғи лозим.

Фахриддин ҚЎЛДОШЕВ,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Adliya tizimi

ҚАШҚАДАРЁ

Вилоят адлия бошқармасининг Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлими жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида вилоят бўйича тузилган жами 39 млрд. 22 миллион сўмлик 36336 та ички хўжалик шартномаларининг 593 тасини ўрганиб чиқди. Шундан 3 млн. 647 минг сўмлик 4 та нотўғри тузилган ички хўжалик шартномаси аниқланиб, қонунга мослаштирилган. Шартномалар тузилишидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан 58 та тақдимнома киритилди. Мазкур тақдимномалар бўйича мансабдор шахсларнинг 41 нафари интизомий жавобгарлик, 10 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида шартномавий муносабатлар юзасидан судларга 243.447.930 сўмлик 205 та даъво аризалари киритилиб, бундан 210.338.556 сўмлик 103 та даъво аризаси судлар томонидан қаноатлантирилган. Киритилган даъво аризалари асосида 20 нафар жисмоний шахс, 8 нафар мансабдор шахс моддий ва маънавий жавобгарликка тортилган.

Хукуматимиз томонидан тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишига оид бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, бу соҳада ижобий ўзгаришлар юз бераётган бир паллада айрим мансабдор шахслар томонидан кўр-кўрона қонунбузилишига йўл қўйилаётгани кишини таажжубга солади.

Шу ўринда бир ҳаётий мисолга мурожаат этадиган бўлсак, 2002 йил 15 июл куни Адлия вазирлигига Шаҳрисабз туманидаги "Ҳисор" ширкат хўжалигида яшовчи Б. Ғаниев ва бошқалар ариза билан мурожаат қилиб, 2001 йилда "Ҳисор" ширкат хўжалиги билан ички шартнома тузгани, шартнома шартига мувофиқ, 2001 йилда тамаки хомашёси етиштириб хўжаликка топширишгани, аммо шу кунга қадар топширилган ҳосил учун ҳақларини олишмагани баён этишган. Ушбу ҳолат юзасидан ўтказилган текшириш жараёнида 2001 йил 19 март куни "Ҳисор" ширкат хўжалиги билан "ЎзБАТ" қўшма корхонаси Ургут бўлими ўртасида контрактация шартномаси тузилгани, шартномага мувофиқ хўжалик қўшма корхонага 45 тонна турли навдаги тамаки хомашёси етказиб бериш мажбуриятини олгани аниқланди. Шунингдек, шартноманинг 3.2-бандига мувофиқ тайёрловчи, яъни "ЎзБАТ" қўшма корхонаси Ургут бўлими Вазирлар Маҳкамасининг **"Тамаки саноатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарорига кўра, топширилган тамаки хомашёсининг умумий қиймати ҳамда ажратилган бўнакнинг 60 фоизгача хўжалик ҳисоб рақамига, қолган 40 фоизгача миқдорини хўжалик аъзоларининг «Халқ банки»даги шахсий ҳисоб рақамига ўтказиши белгиланганини маълум бўлди. Лекин раҳбар муаллифлари Б. Ғаниев ва "Ҳисор" ширкат хўжалиги билан тамаки етиштириш ҳақида ички хўжалик шартномалари тузишган 26 нафар киши жорий йилнинг 1 августига қадар 1.072.237 сўмлик иш ҳақларини олишмаган.

Ваҳоланки, 2001 йил 16 июл "ЎзБАТ" қўшма корхонаси Ургут бўлими билан Шаҳрисабз туман Халқ банки ўртасида тузилган ўзаро шартноманинг 2-бандига мувофиқ, қўшма корхона 3 кун ичида "Ҳисор" ширкат хўжалиги аъзоларининг иш ҳақларини туман «Халқ банки» бўлимидаги ҳисоб рақамларига ўтказиб берган.

2002 йил 7 июнда Шаҳрисабз туман Халқ банки бошқаруви раиси М. Элмуродов "ЎзБАТ" қўшма корхонаси Ургут бўлимига ёлғон маълумотлар асосида "Ҳисор" ширкат хўжалиги ижарачилари учун 2001 йил иш ҳақи 2002 йил 7 июнга қадар ҳисоб-китоб қилингани ҳақида сохта ҳисобот юборган. Бу билан Шаҳрисабз туман «Халқ банки» бошқаруви раиси Вазирлар Маҳкамасининг **"Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори талабларини қўпол равишда бузган. Ариза юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан 26 нафар ижарачи манфаатини кўзлаб Шаҳрисабз туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига жами 1.072.237 сўм 47 тийин иш ҳақини ундириш ҳақида даъво аризалари киритилди. Натижада барча ижарачиларнинг иш ҳақлари тўлиқ ундириб берилди. Шунингдек, Шаҳрисабз туман «Халқ банки» бошқаруви раҳбарларига нисбатан тегишли қонуний чоралар кўриш учун вилоят прокурори номига тақдимнома киритилди.

Б. МАҲМАТҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти

МИСИ ЧИҚҚАН ЁЛҒОН

Taajjub

МАСЪУЛИЯТ ВА ИШОНЧ

"Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Қонунни деҳқонларимиз зўр мамнуният билан қутиб олган эди. Бу қонун эзгу ният, яхши қунлар умиди билан меҳнат қилаётган деҳқоннинг ҳаётида кескин бурилиш ясади. Аниқроқ айтганда, деҳқон амалга ошираётган ишлар ҳуқуқий ҳимояга олинди. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодий қудратини ривожлантириш ва унинг ишонч билан олға ҳаракат қилишига замин яратди. Бир сўз билан айтганда, деҳқон ҳақиқий маънода ер эгасига, ўзи яратаётган бойликнинг хўжайинига айланди. Аммо ҳамма жойда ҳам ана шу имкониятдан оқилона фойдаланаяптими?

Тўғрисини айтадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигига оид бу ислоҳотлар баъзи бир жойларда жуда суст кечмоқда. Айниқса, айрим ширкат хўжаликлари фаолияти таҳлил этилганида, жиддий нуқсон ва камчиликлар мавжуд экани аёнлашмоқда. Албатта, бунинг минг битта сабаби бор. Гоҳида бунга ширкат хўжалиги аъзоларининг ўзи сабабчи бўлса, гоҳида уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб, янада самаралироқ фаолият кўрсатишига кўмаклашиши лозим бўлган мансабдор шахсларнинг ўзлари тўсиқ бўлаётгани ҳам сир эмас. Шу ўринда бир ҳаётий мисолга мурожаат этсак, фикримиз янада ойдинроқ намоён бўлади.

Яқинда Пайариқ туманидаги "Янгиобод" ширкат хўжалигининг Навбаҳор бўлимида ўтказилган оила пудратчиларининг умумий йиғилишида қатнашишга тўғри келди.

Йиғилишга бўлим ҳосилоти, бригада бошлиқлари ва оила пудратчилари таклиф этилган бўлиб, хўжалик бошқарувининг раиси негадир асабийроқ эди. Шунинг учун бўлса керак, йиғилиш ҳам ғалати руҳда ўтди. Мен ширкат хўжалиги бошқарув раисига **"Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"**ги Қонуннинг 1-моддасини эслатиб, унда бригада бошлиғи лавозими кўзда тутилмагани, лекин хўжаликда ҳанузгача бу лавозимдан воз кечилмай, ортиқча харажатга йўл қўйилаётгани, ички хўжалик юритиш қоидалари қонун талаблари даражасида бажарилмаётгани, ширкат аъзоларига асосий воситалар пай улуши сифатида бўлиб берилиб, жорий қилинган оила пудратида ҳисоб-китоб ишлари чек тизимида олиб борилиши кўзда тутилган бўлса-да, пудратчиларнинг бирортаси билан ички хўжалик шартномаси тузиб, чек усулида иш юритилмаётганлиги сабабини сўрадим.

Саволларим жавобсиз қолди.

Биз йиғилишдан нохуш кайфият билан қайтдик. Булар ҳали ҳолва экан. Орадан тўрт-беш кун ўтиб, қишлоққа хўжалик бошқарувининг яна бир оғзаки буйруғи етиб келди. Энди пудратчи хўжалик билан йил бошидан келишилганидек, ҳар гектар пахта майдонидан 24 центнер ўрнига 28 центнердан ҳосил топширди, хўжалик эса пахта йиғим-терим мавсумида қатнашаётган теримчиларнинг дастлабки бир кунлик терган пахтаси учун 26,20 сўмдан, қолган кунлари учун эса 23,70 сўмдан пахта пули тўлар экан. Сабаби — ҳисоб-китоб ишлари шу тариқа йўлга қўйилмаса, таннарх ошиб кетиб хўжалиқ иқтисодига зарар бўларкан.

Тўғри, пахта ҳосилдорлигининг ортиши маҳсулот таннархини арзонлаштирилишида муҳим омил ҳисобланади. Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил қанчалик юқори бўлса, харажатлар шу қадар бир текис тақсимланади. Маҳсулот бирлигига кетадиган сарфлар ҳам ози бўлади. Хўжаликда ана шу омилларга етарли эътибор берилиб ҳисоб-китоб ишлари чек тизимида юритилганида эди, деҳқоннинг нонига шерик бўлиб юрган 21 та бригада бошлиғи ва шу сингари бошқа хўжалик "фаол"лари учун ҳисобланаётган меҳнат ҳақи хўжалик чўнтагида қолган, пудратчи эса сув, ўғит, уруғлик, техника ҳамда меҳнат ҳақи учун сарфланадиган ялпи харажатларни ўзи ҳисоб қилиб, ортиқча чиқим бўлишига йўл қўймаган, шу орқали ҳосил етиштириш таннархи пасайиб хўжалик рентабеллиги ошган бўларди.

Бизнинг назаримизда, хўжаликда иқтисодий ислоҳотларнинг етарли даражада амалга оширилмай қолишининг яна бир сабаби уларнинг бугунги иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга хос бўлмаган "давринг келди сур, бегим" қабилидаги иш тутиши ва ўзини ўзи бошқаришни таъминлаш шароитида хўжалик аъзоси эҳтиқмаслик руҳи билан яшаётганлигининг оқибати ҳамдир.

Хўжаликда Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор талаблари қўпол равишда бузилиб, пудратчилар томонидан бажарилаётган ишларни ҳисоб-китоб қилиш бригада бошлиқлари зиммасига юклаб қўйилган.

Ҳа, асосий гап мана шунда. Ўз ерингда ўз кучинг билан етиштирилаётган маҳсулотининг сарф-харажатини унинг қай тариқа ва қандай нархда сотилишини билмасанг, "хирмонбоши"га сўзинг ўтмаса, бундан ёмони йўқ. Ўша бригада бошлиқлари ҳам харажатларни ойма-ой ҳисоблаб бормайди. Ҳаммаси йил охирига келиб лоп этиб хўжалик дафтарига тушади.

Деҳқон ҳамиша даромадим яхши бўлсин, дейди. Йил охирида фалон сўм миқдорида қўшимча меҳнат ҳақи олдим, деб ғурурланишни яхши кўради. Юқоридаги ҳолатлар деҳқоннинг турмушига сезиларли таъсир қилиб, улар йил бўйи қилган меҳнатлари эвазига берилиши лозим бўлган иш ҳақларини вақтида ололмасдан қуруқ қолаверишган. Хўжалик раҳбарлари эса ана шундай қатор камчиликларни хаспўшлаш мақсадида барча айбни табиий шароитга ағдаришмоқда. Эмишки, оғир келган табиат инжиқлиги белгиланган режа-топшириқларнинг бажарилишига халақит берди. Чиройли ечим. Чунки айбдор аниқ - табиий офат. Табиий офатни эса ҳеч ким — суд ҳам, халқ ҳам муҳокама қилолмайди.

Хўп, улар айтганчалик ҳам бўла қолсин. Унда нега шу хўжалик билан бир ариқдан сув ичиб, бир хил шароитда қўшни «Катта-турк» деҳқон фермер хўжалигида меҳнат қилишаётган 85 ёшли деҳқон Ҳамро бобо Фозилов ҳамда Абдулло Раҳманов етакчилик қилаётган жамоаларнинг ҳар бири ўз ихтиёрида бўлган пахта майдонининг ҳар гектаридан 40-42 центнердан ошириб ҳосил олишмокда. Нахотки, табиий офат бу деҳқон хўжаликларини четлаб ўтиб, қўшни даладаги деҳқоннинг ерига "таъсир" қилган бўлса?

Мен бу фикрларим билан "Янгиобод" ширкат хўжалиги бошқарувининг раиси Мамарайим Қўйлонов ёки хўжаликнинг бошқа мутахассислари учун ақл ўргатмоқчи эмасман. Лекин ҳар қандай муаммони ҳам виждонга таяниб ҳал қилиш мумкин. Фақат шарт шуки, далада ишлаётган деҳқоннинг кўнглини жойига қўйиб, унинг ташвишини чекиб, кўнглига йўл топиб, эътиборини қозона билиш керак.

Ҳар қандай касб фаолиятида қатнашаётган шахс — хоҳ у раҳбар бўлсин ёки бошқа бир соҳанинг мутахассиси бўлсин — унинг яратувчилик ишига халқнинг ўзи одил баҳо беради. Президентимизнинг "Ҳурматли ҳокимлар, раҳбарлар, шуни унутмангки, сизларни рентген қилиб текширадиган, ишларингизга одил ва ҳаққоний баҳо берадиган кишингиз шу юртда яшаётган одамларнинг кўзи, фикри улар чиқарадиган хулосалар," деб айтган сўзлари ҳар доим, ҳар қандай соҳа йўналишидаги раҳбар учун йўлчи юлдуз бўлмоғи даркор.

Рўзимурод ТУРСУНОВ,
журналист

Talab va taklif

Ajab savdolar

АМАЛДОРМИ ЁКИ ФЕРМЕР?

Кейинги йилларда Риштон туманида қишлоқ хўжалик экинлари, айниқса, пахтанинг ҳосилдорлиги бир оз пасайиб кетди. Бу ҳол ўз навбатида деҳқонларнинг манфаатига салбий таъсир кўрсатди. Ана шундай вазиятда туман ҳокимлигига тайинланган А. Мирахмедов тўпланиб қолган нуқсонларни ечишга енг шимариб киришди. Дастлаб асосий ер майдонларининг зах босиб, яроқсиз ҳолга келгани аниқланди. Мутахассислар ёрдамида бунинг сабаблари таҳлил этилиб, керакли чора-тадбирлар белгилаб чиқилди. Хусусан, янги зовурлар қазилиб, ерларнинг шўри ювилди. Айрим нўноқ раҳбарлар алмаштирилди. Шундай бўлса-да, ҳадеганда ишлар юришавермади. Бунинг устига ҳар-хил ёзишмалар кўпайгандан кўпайди. Шундан сўнг ерларни ҳақиқий эгаларига бериш керак, деган қарорга келинди. 2001 йилнинг 9-феврал куни туман ҳокимлигининг собиқ "Наврўз" ширкат хўжалиги заминида 45 та фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги 97-сонли қарори чиқарилди. Ушбу қарорга мувофиқ фермерликка танлов эълон қилинди. Қарорда мазкур танлов комиссиясининг раислигига туман ҳокими кўрсатилган бўлсада, у ўз ваколатини оғзаки равишда ўринбосари Ё. Шокировга юклади. Шундай қилиб, 2001 йилнинг март ойидан бошлаб комиссия кенг кўламли ишга киришди. Фермер бўлишни истаганлардан аризалар қабул қилина бошланди. Шундан сўнг Ё. Шокировни йўқловчиларнинг сони кескин ошди. Четдан қараган одам комиссия адолатли иш бошлади, дейишга асос бордай эди. Аммо тез орада ғалати воқеалар рўй бера бошлади. Янаям тўғрироғи, фермер бўламан деганлар орасида "иккинчи тоифа"даги одамлар ҳам пайдо бўлди. "Иккинчи тоифа"ни амалдорлар ташкил этишди. Улар ҳоким муовинига ер сўраб, илтимос қилишди, у эса илтимосларни ерда қолдирмади.

Шу тариқа Фарғона нефт таъминоти корхонаси раҳбари Б. Исомовга 36 гектар, Бағдод туман ИИБ бошлиғининг муовини М. Аҳмедовга 26 гектар, туман пахта қабул қилиш пункти тарозибони Х. Матмусаевга 39 гектар, Риштон мебел корхонаси раҳбари F. Вайдуллаевга 45 гектар ер майдони тортиқ этилди. Сал фурсатдан сўнг Ё. Шокировнинг яқин «акахон»ларидан бирига яна 38 гектар ер ҳадя сифатида ажратиб берилди. Ё. Шокировнинг бундай ҳотамтойлиги унга ёрдамчиликка тайинланган собиқ "Наврўз" хўжалиги раиси И. Абдурахимовнинг ҳам ҳимматини кўзғаб юборди. Узоқ йиллар мобайнида собиқ "Наврўз" хўжалигини бошқарган "раис бува" ўзи, жияни, куёви, аммасининг ўғли — хуллас, барча қариндош-уруғини ер билан таъминлади. Таниш-билишчилик шу қадар авж олдики, Сўх, Учкўпир, Бувайда туманлардаги оғайнилар ҳам "улуш"дан қуруқ қолишмади. Натижада қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги ерсиз қолиб, адолатсизликдан норози бўлишди. Улар ҳақли равишда амалдорми ёки фермер, деган талабни қўйишди. Демократик давлатимизда таниш-билишчилик давр ўтди, деган қарорга келишган фуқаролар мутасадди ташкилотларга ариза билан мурожаат этишди. Иш судга бориб тақалди. Фуқаролик ишлари бўйича Риштон туман суди ҳақиқатни қарор топтириб, адолатсизликка чек қўйди. Судда даъвогарларнинг даъволари қаноатлантирилиб, собиқ "Наврўз" хўжалигида амалдорлар томонидан ноқонуний равишда ташкил этилган "Коинот", "Суҳбат", "Кўчқор ота", "Азамат", "Дўхтир Шавкат", "Ёркиной", "Сирожиддин ҳожи", "Қодир содиқ", "Чашма", "Маматқодир", "Достон", "Хушнуд" каби фермер хўжаликларига нисбатан чақирилган ҳокимлик қарорлари бекор қилинди. Шунингдек, туман ҳокимлигидан даъвогарларга уч юз минг сўмлик моддий зарар, икки юз минг сўмлик маънавий зарар ундириб бериладиган бўлди. Шу тариқа фермерликни орзу қилишган амалдорлар уялиб қолишди. Уларнинг қилмиши шундай ниятда юрган айрим амалдорларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

О. ЭШМАТОВ,
ҳуқуқшунос

Adliya tizimi

ТОШКЕНТ

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида шаҳар адлия бошқармасига тадбиркорлик субъектларидан жами 149 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Шундан 42 нафар тадбиркорнинг аризаси қаноатлантирилиб, уларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқи тикланди.

Ушбу ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш давомида қонун бузилишларни бартараф этиш юзасидан назорат қилувчи идораларга 22 та тақдимнома ва 2 та огоҳнома киритилди.

Тадбиркорлик субъектларини манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари ва хўжалик судларига 228.377.826 сўмлик 34 та даъво аризаси киритилди. Тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарларни ундириш бўйича 67.030.018 сўмлик даъво аризаси туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судларга киритилган бўлиб, шундан 4.300.000 сўмлик миқдоридаги зарарлар мансабдор шахсларнинг чўнтакларидан ундирилган. Шунингдек, шаҳардаги 4 та туманда 500 га яқин "Текширишларни рўйхатга олиш Китоб" лари мониторинг ўтказиш йўли билан ўрганиб чиқилди ва ҳозирда қолган туманларда ҳам ушбу ўрганиш ишлари давом эттирилмоқда.

Huquqiy ma`rifat

ВАСИЯТНОМА НИМА?

Қонунчиликда фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқни вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги ҳоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.

Албатта, васиятнома ўзига хос хусусиятларга эга.

Васиятнома васият қолдирувчининг шахси билан бевосита боғлиқ. Бошқача айтганда, у фуқаронинг шахсий фармойиши ҳисобланади ва шахсан васият қолдирувчи томонидан тузилиши лозим. Бундан ташқари, васият қолдирувчининг ҳоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, ўз мулкини васият қилиб қолдириш ҳуқуқи, васият қилиш эркинлиги фақатгина тўла муомала лаёқатига эга бўлган фуқароларга берилган. Муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўзларининг мол-мулкларини васият қилиб қолдирмайди. Фақат улар номидан васиятнома Фуқаролик Кодексининг 30-моддасига асосан, қонуний вакиллар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Бош қомусимиз ва фуқароликка оид қонунларда ҳар бир фуқарога ўзига тегишли бўлган хусусий мулкнинг тақдирини ўз эрки билан ҳал қилиш ҳуқуқи берилган экан, бу ҳуқуқдан васиятнома орқали мулк эгасининг шахсан ўзи фойдаланади. Бошқа шахсларнинг ҳаракати ва аралашуви талаб этилмайди.

«Мерос қолдирувчи — дея қайд этилади Фуқаролик Кодексининг 1120-моддаси, 7-бандида, — **васиятнома тузилгандан кейин уни истаган пайтда ўзгартириш ёки бекор қилиш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас».**

Бунинг учун фақат қонунда белгиланган шакл ва тартибга риоя қилиш талаб этилади.

Васиятноманинг ҳуқуқий аҳамиятини ҳисобга олиб, қонунда унинг шаклига алоҳида эътибор қаратилган. Фуқаролик Кодексининг 1124-моддасида васиятноманинг ёзма шакли белгиланиб, ёзилган жойи ва вақти кўрсатилиши шарт қилиб қўйилган.

Қонунда белгиланган шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Васиятнома бир томонлама битим бўлиб, уни ҳақиқий эмас деб топиш асослари Фуқаролик Кодексининг битимлар ҳақидаги қоидалари тартибида амалга оширилади.

Энг асосийси, васиятнома васият қолдирувчининг шахсан ўз қўли билан ёзилган ва имзоланган бўлиш керак.

Васият қолдирувчининг жисмоний нуқсонлилиги, касаллиги ёки саводсизлиги оқибатида васиятномани ўз қўли билан ёзиб, имзолаш имконияти бўлмаган тақдирда, унинг илтимосига кўра, бошқа шахс томонидан ёзилиб, имзоланиши мумкин. Бундай ҳолларда қонун билан васиятномаларни гувоҳлантириш ҳуқуқи берилган мансабдор шахснинг иштирокида, васиятнома васият қолдирувчининг ўз қўли билан ёзиб, имзолай олмаганлиги сабаблари кўрсатилиши шарт.

"Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 30-моддасига асосан нотариал идора ёки фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш идораси жойлашган бинода амалга оширилиши керак. Фуқаро касаллиги, ногиронлиги ёки бошқа сабабларга кўра давлат нотариал идорасига, фуқаролар йиғини раиси ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурига бора олмаган ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда амалга оширилиши мумкин.

Қуйидаги шахслар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаш ҳуқуқига эга эмас:

— нотариус ёки васиятномани тасдиқлаш ҳуқуқи берилган мансабдор шахс;

— васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари;

— васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

— тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;

— саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;

— ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

"Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 37-моддасига биноан нотариуслар ўз номига ва ўз номидан, қариндош-уруғлари, улар билан васийлик ва ҳомийлик туфайли боғланган шахслар ҳамда уларнинг ходимлари ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг қўл остида ишловчи шахслар номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Ёзма шаклдаги васиятномалар фақат қонунда белгиланган шаклда расмийлаштирилиб, тасдиқлангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

Энди васиятномани сир сақлаш ҳақида тўхталадиган бўлсак, мулкни васият қилиб қолдириш қариндошлар орасида, улар билан муносабатларда ноқулайлик туғдиради. Шу сабабдан қонун (Фуқаролик Кодексининг 1128-моддаси) васиятноманинг сир сақланишини назарда тутади. Шунинг учун қонунда васиятноманинг сир сақланишини таъминлаш учун етарли чора ва тадбирлар белгилаб қўйилган.

"Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар фақат суд, прокуратура ва тергов органларининг талабига асосан, улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади. Васиятнома тўғрисидаги маълумотлар васият қолдирувчининг вафотидан кейингина берилиши лозим.

Фуқаролик Кодексининг 1128-моддасида белгиланишича, нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек, васият қолдирувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Шу билан бирга, ҳатто, васиятноманинг борлиги ҳақида ҳам маълумотни ошкор қилишга йўл қўйилмайди. Хизмат вазифасини бажариш муносабати билан нотариал ҳаракатлар ҳақида ўзига маълум бўлган маълумотларни ҳеч бир мансабдор шахс ва ҳатто котиба, навбатчи, шифокор ва бошқа шахслар ҳам ошкор қилишга ҳақли эмас. Васиятнома фақат мерос очилган пайтдан бошлаб ҳаракат қила бошлайди. Шунингдек, васиятнома тузувчи унинг мазмуни билан танишиб чиқмасдан тасдиқлашни нотариусдан талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундай васиятномалар махфий васиятнома бўлиб ҳисобланади.

Махфий васиятнома ҳақиқий саналмаслиги хавфи остида васият қолдирувчининг ўз қўли билан ёзилиши, имзоланиши ва икки гувоҳ ҳамда нотариус иштирокида конвертга солиб, елимланиши лозим. Елимланган конвертнинг устида гувоҳларнинг исм-шарифи ва отасининг исми, доимий турар жойлари тўлиқ ёзилиб имзоланиши керак. Гувоҳлар имзолаган бу конверт ҳам улар ва нотариус иштирокида бошқа конвертга солиниб, нотариус томонидан елимланиб, унинг устига тасдиқлаш хати ёзилиши керак.

"Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасига асосан васиятномаларни тасдиқлаш нотариал идораларида ишловчи нотариуслар, Ўзбекистон Республикаси чет эллардаги консуллик муассасаларининг консуллари, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари), шунингдек, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Васиятномани гувоҳлантириш вақтида нотариус васиятномани тасдиқлаб беришни сўраб мурожаат қилган шахснинг муомала лаёқати ва унинг шахсини белгиланган тартибда аниқлаши керак. Бундан ташқари, васиятнома васият қолдирувчи томонидан ўз қўли билан ёзилганлигини, ундаги имзо қўли билан қўйилганлигини текшириб, шунга ишонч ҳосил қилиши керак. Лекин қоида тариқасида васият қолдирувчи томонидан васиятнома нотариус ва нотариал ҳаракатларини амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахснинг ҳузурида ёзилиши ва имзоланиши лозим. Нотариал идораларда тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда васиятноманинг қонунда назарда тутилган тартибда мансабдор шахслар томонидан тасдиқланишига йўл қўйилади. Мерос қолдирувчи томонидан тузилган васиятнома унинг ҳаётлигида меросхўрлар учун ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбурият келтириб чиқармайди. Шунингдек, васият қолдирувчи ҳам васиятномада кўрсатилган шахслар олдида ҳеч қандай мажбуриятни зиммасига олмайди. Васиятнома бир томонлама битим бўлгани сабабли у мерос қолдирувчининг ҳоҳиши билан ўзгартирилиши мумкин.

Васиятнома қўлида бўлган шахснинг унга ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритиб, тузатишлар киритишига йўл қўймайди. Бундай ҳолларда мерос олиш масаласи васиятноманинг нотариал идорада сақланиб турган биринчи нусхаси асосида амалга оширилиши зарур. Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, васиятнома васият қолдирувчининг шахсий ҳуқуқи ҳисобланади ва у қонун асосида ҳимоя қилинади. Васиятнома шахснинг мутлақ ҳоҳишини ифода этувчи муҳим битим ҳисобланади. Ана шу жиҳати уни бошқа битимлардан ажратиб туради.

Акмал ИНАНБАБАЕВ,
ҳуқуқшунос



Шаршара тароватн

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

УНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Мамлакатимизда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятни фош этиш ва жазонинг муқаррарлигини таъминлашда суд экспертизаси алоҳида ўрин тутади.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари турли хилдаги экспертиза ва текширувлар ўтказиш ёки дастлабки тергов жараёнида жиноят иши бўйича бирор мутахассис фикрини олиш зарур бўлиб қолса, ЖПКнинг 172 ва 180-моддаларига биноан экспертиза тайин қилинади. Экспертизани тайин қилиш учун дастлабки тергов даврида терговчининг қарори, суд жараёни даврида эса суд ажрими бўлиши лозим. Агар суднинг ажрими ёки қарори бўлмасдан экспертиза ўтказилган бўлса, жиноят ёки фуқаролик ишлари бўйича бундай вақтда экспертиза ўтказиш ноқонуний ҳисобланади.

Бинобарин, экспертиза тайинлаш, энг аввало, экспертиза олдига қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун далил тўплашдан бошланади. Эксперт тўпланган далилларга суянган ҳолда олдига қўйилган саволларга жавоб қидиради. Шунинг учун ҳам терговчининг экспертиза тайин қилиш қарори асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми кириш деб номланган. Қарорнинг кириш қисмида қарор ким томонидан, қаерда, қачон (кун, ой ва йил) ёзилгани ва қарорни ёзган терговчининг фамилияси, исми, мансаб унвони, қайси иш юзасидан тайин қилинганлиги тўлиқ қайд этилиши лозим.

Қарорнинг кейинги баён қисмида терговчи жиноят ҳолатлари, экспертиза тайинлаш учун кўрсатилган қонун меъёрларини тўлиқ равишда баён қилган бўлиши лозим. Қарорнинг учинчи хулоса қисмида эса экспертизани ўтказиш учун тайинланган муассасанинг номи, эксперт мутахассис томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган саволлар ўрин олади. Шу саволларни ҳал қилиш учун юборилган материалларнинг қайси бири текширилиши, қайси бири нусха сифатида юборилганлиги алоҳида баён қилинган бўлиши лозим.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ҳужжатлар текшириш учун юборилган бўлса, бундай ҳолларда уларнинг асл нусхаси қатъий талаб қилинади.

Терговчининг экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарори, суднинг ажрими экспертиза муассасалари учун мажбурий ҳисобланади. Лекин айрим ҳолларда олдиларига қўйилган саволлар экспертлар учун тушунарли бўлмаса, бу соҳада мутахассислар етишмаган тақдирда, экспертиза ўтказишдан бош тортишлари мумкин.

Бошқа ҳолларда экспертиза ташкилотлари терговчининг қарори ва суднинг ажримига асосан экспертиза ўтказиши шарт ва мажбурий ҳисобланади. Юқорида кўрсатилганидек, айрим турдаги жиноят ишлари бўйича экспертиза ўтказиш мажбурий ҳисобланса, айрим ишлар бўйича экспертиза тайинлаш терговчи ва суднинг ўз ихтиёрига боғлиқ бўлади. Айрим вақтларда такрорий экспертиза тайинлаш лозим бўлиб қолган тақдирда эса қарорнинг кириш қисмида ушбу экспертиза такроран ўтказилаётганлиги кўрсатилиши шарт. Қарорнинг баён қисмида нима сабабдан такрорий экспертиза ўтказиш лозим бўлганлиги кўрсатиб ўтилиши керак.

Бундан ташқари, унинг хулоса қисмида эксперт олдига қўйилган саволларни қайд этиш ёки қайд этмаслиги ҳам мумкин. Терговчи такрорий ёки дастлабки экспертизани тайин қилишда эксперт фамилиясини кўрсатиши ёки бошқа экспертлар томонидан қарор чиқариб, айбланувчини ундан хабардор қилган бўлиши керак. Айбланувчи эксперт хулосасини тергов материаллари билан бир вақтда кўриб чиқади. Бу эса терговчининг вақтини тежайди ва ҳеч қандай ғайриқонуний ҳаракат йўқлигини намоён қилади. ЖПК нинг 145-моддасига асосан экспертиза ўтказувчи муассаса бошлиғи экспертиза ўтказишга топшириқ берганда ҳар бир иш бўйича экспертдан бита туриб ёлғон хулоса олади ва бу тилхатни эксперт хулосаси билан биргаликда экспертизани тайин қилган терговчи ёки судга юборади. Агар мутахассис экспертиза ўтказиш даврида иш учун аҳамиятга эга бўлган масалаларни аниқласа, лекин бу тўғрисида унинг олдига терговчи томонидан савол қўйилмаган бўлса, эксперт бу ҳолатлар юзасидан қўшимча фикр беришга ҳақлидир. Агар терговчи эксперт берган қўшимча фикрга қўшилса ва уни иш учун зарур деб топса, махсус қарор чиқариши билан қўшимча экспертиза тайинлаши мумкин.

Хуллас, суд экспертизаси жуда мураккаб жараён бўлиб, бу соҳа мутахассисидан юксак билим, ҳушёрлик ва ҳалоллик талаб қилади. Шундагина суд экспертизаси хулоса берганда ҳақсизлик ва норозилик ҳолатлари рўй бермайди.

Дилшод РОЗИҚОВ

Jurnalist surishtiruvi

СУД ҚАРОРИ:

УНИНГ ИЖРОСИ НЕГА ПАЙСАЛГА СОЛИНМОҚДА?

"...Биз бундан икки йил илгари "Бойсунтайёрлов" масъулияти чекланган жамият билан тузилган шартномага кўра, 20 тонна ўқув бўри тайёрлаб, уни Термиз шаҳрида жойлашган вилоят "Таълим савдо" корхонасига етказиб бергандик. Аммо орадан икки йил ўтаётган бўлса-да, маҳсулотимизни олган "Таълим савдо" корхонаси пулни тўлашда "оқсаб" қолаётганлиги сабабли тегишли иш ҳақимизни ололмаяпмиз. Корхонамиз раҳбари Т. Бўриевнинг айтишича, вилоят "Уйжойжамғармабанк"даги масъул ходимлар ҳам инкассага қўйилган тўлов топшириқномасини амалга оширишни пайсалга солиб юрган эмиш. Таҳририятдан топширган маҳсулотимизнинг ҳақини олишда ёрдам беришни сўраймиз..." Х. Ҳамроқулов, А. Абдираимов ва К. Бойкобиловнинг таҳририятга йўллаган шикоят хатидан кўчирма.

Мазкур шикоят хатида қайд этилган масалалар юзасидан қонун доирасида журналист суриштируви ўтказиш мақсадида йўлга отландик. Дастлаб, шикоят хати тафсилотлари билан яқиндан танишиш учун "Бойсунтайёрлов" масъулияти чекланган корхона раҳбари Толиб Бўриев билан учрашдик. Толибжон ҳам гапнинг индаллосини айтди-қўйди:

— Ўзим ҳам сизларга мурожаат қилмоқчи бўлиб тургандим. Сал кечикибман-да. Ҳа, майли, ҳечдан кўра, кечи ҳам яхши. "Таълим савдо"нинг сўровига кўра, 2000 йил 20 тоннага яқин ўқув бўрини қўлда тайёрлаб, ўз ҳисобимиздан барча харажатларни кўтариб, маҳсулотни етказиб берганмиз. Ана шундан буён маҳсулотимизнинг ҳақини ололмай оворамиз. Ахийри, иш судгача етиб борди. Вилоят хўжалик судининг бизнинг фойдамизга чиқарган ҳал қилув қарори, ижро варақаси қўлимизга тегди. Шунга кўра, ўтган йилнинг 2 май куни суд қарорига асосан "Таълим савдо"га хизмат кўрсатаётган Термиздаги вилоят "Уйжойжамғармабанк"ка инкасса тўловини қўйганмиз. Энди эса ташвишимиз яна биттага кўпайди. Гоҳ банк, гоҳ "Таълим савдо" эшигига ҳақимизни олиш учун бош суқамиз, аммо ҳеч қандай натижа йўқ. Қўлимиз билан бериб, оёғимиз билан югуриб юрибмиз. Банкдагилар вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорини мана бир ярим йилдан буён асоссиз равишда бажармай келаётир.

Толибжон олдимизга бир даста расмий ҳужжатларни қўйди. Ҳужжатлар билан яқиндан танишганимизда, корхона раҳбарининг сўзларида жон борлигига ишонч ҳосил қилдик. Келинг, яхшиси мавзуга ойдинлик киритиш учун айрим далил ва рақамларга мурожаат қилайлик.

Гап шундаки, 2000 йилнинг 10 май кунидаги 7-сонли олди-сотди шартномасига кўра, олдиндан тўловсиз илтимосга асосан "Бойсунтайёрлов" масъулияти чекланган корхона ўқув бўри тайёрлаб боришни ўз зиммасига олган. Ижрочи шартнома шартларини тўлиқ бажарган. Жумладан, шартномага кўра, 2000 йил 15 май кунидаги 4-сонли юк хати билан омбор мудири З. Саъдиев номига берилган 32-сонли ишонч қоғози орқали 1 миллион 596 минг 50 сўмлик ўқув бўри вилоят "Таълим савдо" корхонаси омборига олиб бориб топширилган.

Орадан уч ой ўтгач, тўғрироғи, 2000 йилнинг 21 сентябр кунидаги 16-юк хати ва яна омбор мудири З. Саъдиев номига берилган 139-ишонч хати орқали 2 миллион 94 минг сўмлик ўқув бўри Бойсундан 145 километрлик узоқликда жойлашган Термиздаги "Таълим савдо" омборхонасига барча транспорт харажатлари тўланган ҳолда олиб бориб топширилган. Шундай қилиб, "Таълим савдо" корхонаси "Бойсунтайёрлов" масъулияти чекланган жамиятдан жами 3 миллион 690 минг сўмлик ўқув бўри олган. Олди-бердидаги барча ишлар ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Ҳар икки тараф раҳбарининг имзолари, муҳрлар билан ўз тасдиғини топган.

Аммо "Таълим савдо" корхонаси раҳбари Нормирзо Ёқубов қабул қилиб олган маҳсулотнинг тегишли маблағни тўлашга келганда, ишни чўзиб юборди. Маҳсулотнинг ҳақини сўраб борган даъвогар томонни "эрта келинг, индин келинг, хўп бўлади", деган ваъдалар билан йил давомида роса сийлади. Ахийри, "Хўп бўлади"ни еб бўлмаслигини сезган "Бойсунтайёрлов" масъулияти чекланган жамият ўз ҳақини ундириб бериш учун Сурхондарё вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритишга мажбур бўлди.

2001 йил 12 март кунида бўлиб ўтган вилоят хўжалик судининг мажлисида даъвогар Т. Бўриев ва жавобгар Нормирзо Ёқубов иштирок этишди. Даъвогар суд мажлисида бошқа тўловлардан воз кечишга розилик бериб, асосий қарз 3 миллион 690 минг 250 сўмни ундириб беришни сўради. Жавобгар корхона раҳбари Н. Ёқубов буни инкор этмаган ҳолда, қарзни тўлашга рози бўлди.

Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 2001 йил 12 март кунидаги 01-63/6 иш бўйича чиқарган ҳал қилувчи қароридан кўчирма: *"... Даъвогарнинг даъвоси қисман каноатлантирилсин. "Бойсунтайёрлов" масъулияти чекланган жамиятга жавобгар Сурхондарё вилоят "Таълим савдо" корхонасидан 3 миллион 630 минг сўм асосий қарз, 11070 сўм давлат божи, жами 3 миллион 701 минг 320 сўм ундирилсин..."* Энг муҳими, суднинг мазкур иш бўйича чиқарган ижро варақасида суд қарори 2001 йил 13 апрел кунидан кучга кирган деб ҳисобланиши аниқ ва равшан ёзиб қўйилган. Шунга кўра "Бойсунтайёрлов" масъулияти чекланган жамият "Таълим савдо" корхонасига хизмат кўрсатаётган Термиздаги вилоят "Уйжойжамғармабанк"ка қўнғироқ қилинганига: "Суд қарорига асосан", деб катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. 2001 йил 2 май кунидаги 4-сонли тўловномани инкассага қўйган. Гўё адолат тиклангандай.

Аслида-чи? Банкдаги мутасадди ва масъуллиятли ходимлар суднинг ҳал қилув қарорини амалга оширишга шошилмадилар. Тўғрироғи, қонунбузарликка йўл очишди. Суд қарори билан 2001 йил 2 май кунида банкнинг ҳисоб рақамига қўйилган 4-сонли инкасса тўлов топшириқномасидан сўнг банк суд қарорига кўра, ундирилиши лозим бўлган 3 миллион 690 минг 250 сўмдан бор-йўғи 300 мингини ундириб берди-ю, қолганига кўзини юмиб туравберди. Ваҳоланки, мана орадан бир ярим йил ўтди. Суднинг ҳал қилув қарори қоғозда қолиб кетмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда.)

Mitti maslahat

Рукн учун масъул:
ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

"БОЛАМНИНГ ОТАСИ БОШҚА..."

Оила Кодексининг 207-моддасида туғилиш ҳақидаги далолатнома ёзувларига боланинг ота-онасини қайд этиш тартиблари баён этилган. Жумладан, ўзаро никоҳда бўлган ёки бўлмаган, ота-онанинг иккаласи ҳам номаълум бўлган, она вафот этган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган ва бошқа муайян ҳолатларда боланинг ота-онасини қайд этиш қоидалари кўрсатилган.

Яшириб нима қилдик, баъзан ФҲДЁ идоралари иш фаолиятида иймон-эътиқодимизга зид, ҳалоллик ришталарини инкор қилувчи вазиятлар бўйича ҳам мурожаат учраб туради.

Маълумки, бола қонуний никоҳда турган онадан туғилганда, унинг ота-онаси тўғрисидаги битик тўғридан-тўғри ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва никоҳ гувоҳномаси асосида ёзилади. Афсуски, айрим ҳолларда гарчи бола қонуний никоҳда турган онадан туғилган бўлса-да, она никоҳдаги эри боланинг ҳақиқий отаси эмаслигини кўрсатиб, ёлғиз она сифатида расмийлаштиришни талаб қилиш ҳоллари учрайди. Албатта, бундай ҳолда унинг талаби қонуний никоҳда турган эрнинг ёзма розилиги билангина қаноатлантирилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда она аризасига қонуний никоҳдаги эрни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки қонуний никоҳда турган эр жазони ижро этиш муассасасида бўлгани ва боланинг онаси у билан учрашувга бормагани ҳақида жазони ижро этиш муассасасининг маълумотномаси илова қилиниши мумкин.

Кези келганда яна бир мулоҳазани таъкидлаб ўтиш жоиз. Гап шундаки, никоҳдан ўтиш пайтида эрининг фамилиясини қабул қилган баъзи бир аёллар ўз паспортини алмаштиришга негадир бепарво бўлишади. Бу эса ўз навбатида ФҲДЁ идораси ходимлари учун бир мунча ноқулайлик келтириб чиқаради. Яъни, бу ҳол туғилган чақалоққа онанинг фамилиясини ёзишда янглишишларга сабаб бўлади. Оила Кодексига берилган шарҳлардан келиб чиқиб, айтиш жоизки, агар она никоҳдан ўтгач, эрнинг фамилиясини қабул қилган, лекин янги фамилияга паспорт олмаган бўлса, она ҳақида маълумотлар устунида она фамилияси никоҳ гувоҳномасига асосан ёзилади ва далолатнома ёзувининг "белгилар учун" устунига туғилганлик ҳақида маълумотнома онанинг никоҳгача бўлган фамилияси бўйича берилган деб ёзиб қўйилади.

ИТАЛИЯ ПАРЛАМЕНТИ

БИРИНЧИ МАҚОЛА

I. Давлат тизимининг асослари

1947 йилда қабул қилинган Конституцияга мувофиқ Италия унитар давлат ва бошқарув шакли бўйича парламент республикаси ҳисобланади. Давлат ҳокимияти идоралари тизими ҳокимиятларнинг анъанавий тақсимланиши тамойили асосида қурилган. Мамлакатнинг олий қонунчилик органи икки палатали парламентдир. Ижроия ҳокимияти барча парламентар давлатларда бўлгани каби қўш тузилмага эга, у етти йил муддатга сайланадиган республика Президенти ва ҳукумат — Вазирлар кенгашини ўз ичига олади. Италиянинг юқори ҳокимият органлари ичида давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг асосий қонун меъёрларига мувофиқ бўлишини таъминловчи Конституцион суд алоҳида ўрин эгаллайди.

II. Парламентни шакллантириш тартиби

Италияда парламентаризмнинг қарор топиши жараёни XIX асрнинг ўрталаридан бошланди. 1848 йилда қабул қилинган «Альбертин низоми»да қонунчилик ҳокимияти нафақат қирол, балки у томонидан тайинланадиган Сенат ва сайланадиган депутатлар Палатаси томонидан амалга ошириш кўзда тутилган.

Мамлакат Конституциясининг 55-моддасида Италия парламентининг депутатлар Палатаси ва Сенатдан иборат эканлиги қатъий белгилаб қўйилган.

630 нафар аъзодан иборат депутатлар палатаси умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида сайланади (475 ўрин бир мандатли округларда мажоритар тартибда нисбатан кўпчилик овоз билан сайловлар асосида тақсимланади, 155 ўрин эса мутаносиблик тартибида). Овоз бериш рўйхат бўйича (одатда партия рўйхати бўйича) амалга оширилади.

Палаталарнинг ваколат муддати — 5 йил. Уларнинг ваколат муддати **фақат қонунчилик тартибида ва уруш ҳолатида** узайтирилиши мумкин. Палатанинг биринчи мажлиси сайловлардан кейин 20 кундан кечикмаган муддатда ўтказилади, унда раис ва палатанинг сессиялар орасидаги танаффусларда унинг вазифаларини бажарувчи доимий органи — бюро (ҳайъат) сайланади. Палата ўз аъзоларидан доимий ва муваққат комиссияларни сайлайди. Бошқа мамлакатлар парламент комиссияларидан фарқли ўлароқ, Италия парламент комиссияларига нафақат қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, балки уларни қабул қилиш ҳуқуқи ҳам берилган. Қонунчилик ҳокимияти иштирок этадиган конституцион ва сайлов масалалари бўйича, бюджетни белгиловчи ва бошқа баъзи қонун лойиҳалари бундан мустасно.

Республика Сенати — парламентнинг юқори палатаси унинг 315 нафар аъзоси аҳоли томонидан беш йил муддатга сайланади: тўртдан уч қисми бир мандатли сайлов округлари бўйича мажоритар тартибда нисбатан кўпчилик овоз билан ва тўртдан бир қисми мутаносиб тартибда (1993 йилдаги референдумга қадар бу масала бўйича Сенатга сайловлар тартиби соф мутаносиб эди) сайланади.

Сенат вилоятлар палатаси ҳисобланади ва 25 ёшга тўлган фуқаролар унга сайланади. Унга сайланиш учун 40 ёш чегара қилиб белгиланган. Депутатлар Палатасидан фарқли ўлароқ, Сенатда сайланмайдиган умрбод аъзолик мавжуд: республиканинг барча собиқ президентлари сенатор бўлади, бундан ташқари, амалдаги президент ижтимоий фаолият, фан ва маданият соҳаларидаги улкан хизматлари учун беш кишини умрбод сенаторликка тайинлаши мумкин.

Партиялар вакиллигининг мутаносиблик тамойили бўйича Сенат доимий ва муваққат комиссияларни сайлайди. Уларнинг ўрни ҳам депутатлар Палатаси комиссияларини каби юқори.

Иккала палата ҳам ўз фаолияти йўқлиги; 2) субъектларда юзага келган, бу вақтга келиб Палаталарнинг мамлакатдаги ҳақиқий кучлар тақсимотини ифодалай олмаслиги, яъни вакиллик хусусиятини амалда йўқотганлиги учун уларни тарқатиб юборишга бўлган ишонч; 3) Палата ва Сенат қарашларидаги бартараф этишнинг имкони бўлмаган қарамақаршиликлар.

III. Палаталарнинг ташкилий тузилиши

Палаталарнинг ташкил топиши ва фаолият олиб боришини палаталар томонидан сайланган Конституция ва кўзда тутилган палаталар Раислари ва тегишли Бюро (ҳайъатлар) таъминлайди.

Раис палата бюроси ишига раҳбарлик қилади, жумладан, уни ўз ташаббуси билан чақиради ва унинг мажлиси кун тартибини мустақил равишда белгилайди. Палата бюросининг барча қарорлари унинг раиси декрети шаклида қабул қилинади.

Бюро бюджет лойиҳасини ва унинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди, гуруҳлар ва комиссияларни шакллантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади, мажлис тартибини кўпол равишда бузган депутатлар (сенаторлар)га нисбатан интизомий санкцияларни қўллайди, Палатанинг бош котибини тайинлайди, ички бошқарув қоидаларини ўрнатади, ёрдамчи хизматларни шакллантиради, Палата хизматларига нисбатан рағбатлантириш ва интизомий чораларни қўллайди, мажлисда қатнашиш тартибини белгилайди.

Ҳар бир палатада палата раисининг тўрт нафар ўринбосари, уч нафар квестори, саккиз нафар котиби бюро аъзолари ҳисобланадилар.

Палата раисларининг ўринбосарлари мустақил вазифаларга эга эмас. Аммо раис бўлмаган ҳолатда уларнинг мавқеи кескин ошади, чунончи, улар навбат билан раиснинг вазифаларини бажарадилар.

Квесторларнинг вазифалари хилма-хил: мажлислар залидаги тартибни ва тадбирлар пайтида тартиб-қоидаларга риоя қилишини кузатиб боради; Палатанинг ёрдамчи хизматлари фаолиятини назорат қилади; тегишли Палатанинг сарф-харажатлари тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлайди.

Котиблар Палата мажлисининг баённомаси тайёрланишини таъминлайди, бу қарорларни эълон қилади, таклифлар тушганида сўзга чиқувчиларнинг рўйхатини тузади, раиснинг илтимоси бўйича билдирилган таклиф ва ҳужжатларни ўқиб эшиттиради, Палата ҳужжатлари ва стенографик ҳисоботлардаги маълумотларнинг аниқлиги ҳамда уларнинг белгиланган муддатда матбуотда эълон қилинишини таъминлайди.

Раис, шунингдек, парламент жунти — ўзига хос депутатлик (сенаторлик) комиссиялари аъзоларини тайинлайди. Жунтлар таркиби бевосита мувофиқ палата Раиси томонидан депутатлар (сенаторлар) орасидан шакллантирилади. Бунда Раис имкон қадар жунтларда вакилларнинг турли парламент гуруҳларида баравар бўлишини таъминлаши керак.

Регламент масаласи сайловлар ва парламент дахлсизлиги бўйича жунтлар мавжуд. Сенатда сайловлар ва парламент дахлсизлиги масалалари бўйича битта жунт шуғулланади. Сенатда жунт ҳуқуқидаги кутубхона комиссияси ташкил этилади (депутатлар Палатасида кутубхона масалалари бўйича бюро назорати остидаги тегишли ёрдамчи хизмат шуғулланади).

Палаталар ҳузурида уларнинг фаолиятини таъминлаш, зарур ёрдам ва маълумотларни тақдим этиш учун жуда кўп ёрдамчи хизматлар фаолият кўрсатади. Депутатлар Палатасида қарийб 50 бўлимни ўз ичига олган, тахминан 1,5 минг нафар мутахассисдан иборат 10 дан зиёд хизматлар бор. Сенатда 600 дан кўп кишини бирлаштирувчи 10 та хизмат (бўлимларга эга бўлмаган) мавжуд.

Палата хизматларига палата бюроси томонидан тайинланадиган Бош котиб раҳбарлик қилади. Одатда бу вазифани бир неча ваколат муддати давомида бир киши эгаллайди. Парламент хизматчилари давлат хизматининг умумий тизимига кирмайди, бу анча мустақил бўлган ва ташқи ўзгаришларга боғлиқ бўлмаган, ҳамжиҳат умумий манфаатлар тизимини ташкил этади.

Мурод ҲАКИМОВ,
юридик фанлари номзоди

Jahon tajribasi

ФАРЗАНД ҲАҚИ

Ота-онанинг шундай ҳақлари борки, фарзанд уни адо этишдан бўйин товласа, айбдор бўлиб қолиши мумкин. Шунингдек, фарзанднинг ҳам муайян ҳақлари мавжудки, бу ҳақлар ўз вақтида кечиктирмасдан адо қилинадиган бўлса, ота-она келажакда афсус-надомат чекмайди, фарзанд тарафдан таъна-маломат эшитмайди.



Бинобарин, мўътабар манбаларда бундай ҳақлар учта эканлиги кўрсатиб берилган: биринчиси, ота-она фарзанд кўрганда унга чиройли ва маъноли исм қўйиши бўлиб, бунга айрим ота-оналар унчалик аҳамият бермайди. Мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, фарзанд улғайгандан кейин ота-онаси қўйган исмдан уялиб, бошқаларнинг олдида хижолат чекиб юради. Бунга болани Болта, Теша, Ўроқ, Қўзибой деган касб-ҳунар асбоблари ёки ҳайвон номлари билан аташни мисол тариқасида келтириш мумкин. Тўғри, ота-она боласига бир исмни яхшиликни умид қилиб қўяди. Лекин улар билиб-билмасдан бу ном келажакда фарзандига ёқмаслиги ёки исми жисмига мос тушишини назарда қочиришади.

Шунинг учун ҳам фарзанд дунёга келганда, кекса ва кўпни кўрган ёши улуғ кишилар билан маслаҳат қилган ҳолда исм танланса, ота-она фарзанд олдидаги ҳақини адо этган саналади.

Иккинчи ҳақ деганда фарзандга илм-ҳунар ўргатиб, ҳаётда тўғри йўл танлашида йўл-йўриқ кўрсатиш тушунилади. Бу ҳам ота-она бажармаса, алал-оқибат бунинг касри ҳам ўзига қайтадиган амаллар сирасига киради. Чунки илм-ҳунар ўрганмаган фарзанд жоҳил ва нодон ҳолда ўсиб-улғайгандан кейин ота-онасининг топиб берганига суяниб, бекорчи ва текинхўрликка одатланади. Шу боис ота-она фарзандининг суяги қотмай туриб, унда илм-ҳунар олишга кўникма ҳосил қилиб борса, мустақил яшай бошлагандан сўнг бировнинг қўлига қараб қолмайди. Бир ривоятда келтирилишича, донишмандлардан бирининг ҳузурига бир киши келиб, "Ўғлим мени уриб қийнайди", дея арз-шикоят қилади. Шунда у киши "Ўғил ҳам отани урадими? Сен унга таълим-тарбия, одобахлоқ бердингми?", дея ҳайрон бўлиб сўради. "Йўқ", дейди ота. Ниҳоят, "Ўғлинг нима иш қилади?", деб сўради донишманд. Ота ўғли деҳқончилик қилишини айтади. Буни эшитган донишманд "Сени уришига сабаб бўладиган бирон нарса ўргатганмидинг?", деди. "Йўқ", деди ота бунга ҳам. Шунда донишманд бироз ўйланиб турди-да: "Балки ўғлинг тонгда эшакка миниб, ҳўкизлари олдида, итини эргаштириб даласига кетаётган бир пайтда сен рўпара келиб қолган бўлсанг, сени ҳам бир мол деб ўйлагандир. Бошингни ёрмагани учун худога шукр қилгин!", деди.

Кўриниб турибдики, ушбу ривоят замирида ҳар бир ота-она фарзандини ўз вақтида тўғри тарбия қилмаган тақдирда бунинг зарари ўзига қайтажагидан огоҳликка ундаш мавжуд. Албатта, бу ривоят. Лекин ҳаётда бунга ўхшаш ҳодисалар ҳам кўп учрайди. Ота-она фарзанд тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйгандан кейин фарзанд дунёқараши ва хулқ-атворида салбий иллатлар таъсири осон кечади. Бир куни қарасаларки, фарзанд ота-онасига ҳам итоат қилишни бир четга йиғиштириб қўйиб, улар билан теппа-тенг тортишади, ҳатто ўзининг ҳақ эканини уқтиришга ҳаракат қилади. Фарзанддан кўнгли оғриган ота-она у қандай қилиб бу даражага етганини тушуна олмасдан ҳайрону лол бўлиб ўтираверади. Собит Банноний деган киши шундай нақл қилади: "Бир жойда бир киши отасини ураётган экан. Унга бу нима қилиқ, отани ҳам урадими, дейишди. Отаси "Унга индаманглар, мен ҳам отамни мана шу жойда урган эдим, мен ҳам бу ерда ўғлимдан калтак ейиш билан ўшани бошимдан кечиряпман! Бу ўша учун ураяпти, унга ҳеч қандай таънам йўқ!", дея ўзининг айбдорлигига иқрор бўлган экан". Ҳар ким экканини ўради, деганда шунга ўхшаш ҳолат назарда тутилган бўлса, ажабмас. Кимки фарзандини хушхулқ ва одобли қилиб тарбия қилса ҳам, аксинча, бетамиз ва одобсиз ҳолда тарбия қилган бўлса ҳам, келажакда ҳар қайсисининг самарасини кўриши аниқ. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмаслиги ўз-ўзидан аён. Шунинг учун ҳам азал-азалдан фарзанд тарбияси ўта масъулиятли вазифа саналган. Бир файласуф "Бола тарбияси учун давлатни бошқаришдан кўра ҳам теранроқ мушоҳада, ундан ҳам чуқурроқ донишмандлик керак", деганда бу тарбиянинг нечоғлик катта аҳамият касб этишини билиб олиш қийин эмас. Француз маърифатпарвар ёзувчиси Жан Жак Руссо бу хусусда бошқачароқ фикрни билдирган: "Инсон тарбияси у туғилганидан бошланади: чақалоқ ҳали гапирмайди, сўзга қулоқ солмайди, аммо ўргана бошлайди. Билиш тарбиядан келиб чиқади".

Шундан ҳам билиб олиш мумкинки, бола тарбияси деганда у муайян бир ёшга тўлгандан кейин — оқу қорани таний бошлаган даврда эмас, балки ҳали йўргакда турган чоғдан бошланар экан. Шарқ донишмандлари фарзанд тарбиясини она қорнида пайдо бўлганидан бошлаш унинг келгусида етук ва яхши инсон бўлиб улғайишида муҳим ўрин эгаллашини эътироф этганлар. Бошқа бир файласуф "Ўз ўғлини ҳеч бир фойдали ишга ўргатмаган одам ўғри боқаётган бўлади", деганда кўп ҳолларда фарзандини совуқ сувга қўл урдирмасдан бирон ҳунар ёки билим олишига шароит яратиб бермаган ота-оналар айбланган десак янглишмаймиз. Бундай фарзанд ўғри бўлиб чиқмаган тақдирда ҳам ўзининг аравасини ўзи торта олмасдан, бир умр ота-онаси пинжига тиқилиб яшашни афзал кўрадиган текинтомоққа айланиши ҳеч гапмас.

Жумладан, қуш уясида кўрганини қилади, деган нақлга эътибор берсак, ота-она оилада ўзини қандай тутса, қандай муомала қилса, фарзандлар ҳам шуларни тўлиғича ўзида акс эттиради. Ота-она ёлғончи бўлса, бола ҳам ёлғончи, ота ароқхўр, она шаллақи бўлса, фарзанд ҳам худди шундай феъл-атворни ўзига юқтириши табиий ҳол.

Учинчи ҳақ ота-оналарнинг фарзандни уйлантириб қўйиши билан амалга оширилади. Бунда ҳам ота-она шошма-шошарлик ва орзу-ҳавасга ортиқча берилмасдан келажакда ёш оила пойдевори мустаҳкам бўлишини ўйлаган ҳолда иш тутиши мақбул саналади. Ҳаётда бунга ҳам ота-онанинг эътиборсизлиги оқибатида айрим ёш оилалар бузилиб кетганини учратиш мумкин.

Хуллас, ота-она ҳам фарзанд ҳақини тўла-тўкис бажариб, бунга жиддий аҳамият бергандагина униб-ўстирган ниҳолларидан аччиқ мевалар тотиб, пушаймон бўлиб юришмайди. Қоларверса, ҳаётда қўлидан бир иш келмайдиган инсонни боқиб тарбиялагани боис одамлар олдида боши эгилмайди.

Баҳодир СУЮНОВ,
Бобомурод ЭРАЛИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Mushohada

Targ`ibot

ДАБДАБАГА НЕ ҲОЖАТ?

Маълумки, 1998 йилда мамлакатимиз раҳбарининг **"Тўй ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, мархумлар хотирасига бағишланган тадбирларни тартибга солиш тўғрисида"**ги Фармони матбуотда эълон қилиниб, халқимиз томонидан мамнуният билан қарши олинган эди. Шундан буён диёримизда тўй-у маракаларнинг барчасини ихчам, камхаражатли ҳолда дабдабаларсиз ўтказишга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Аммо баъзи жойларни бундан мустасно аташга мажбурмиз.

Негаки, келин-куёвларнинг ўртоғу дугоналари икки ёшни никоҳдан ўтказиш учун ҳамон ФҲДЁ бўлимига қўша-қўша машиналарда дабдаба билан келиши ҳоллари учрамоқда.

Бу ҳақда Фориш туманидаги бир неча қишлоқ ёшларига мурожаат қилганимизда уларнинг аксарияти бундай ҳолатни маъқуллашини айтишди.

Лекин ёшларнинг бу фикрига катталар нима дейди?

Шу боис туманимизнинг Мажрум, Фориш, Учма, Боломон, Гараша қишлоқларида бўлиб, аҳолига мазкур савол билан мурожаат қилдик. Очиқ мулоқотларда жуда кўпчилик, айниқса, кўпни кўрган ота-оналар ихчамлик, камтароналикни маъқуллашди.Бироқ айрим оилалар бу гапларни маъқуллагани ҳолда амалда бунга риоя қилмаётгани ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Яна бир гапни айтиб ўтиш жоиз. Никоҳдан аввал келин ва куёв саломатлигини кўрикдан ўтказиш ҳар бир ота-она ҳамда бўлажак келин-куёвнинг эътиборида бўлиши лозим. Шунингдек, яқин қариндошларнинг никоҳдан ўтиши олдини олиш ҳам соғлом ва баркамол авлод бахтини ўйлаб амалга оширилаётган фойдали ҳаракат саналади. Бу борада тиббиёт ходимлари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар ижобий самара беради.

Хуллас, соғлом оила соғлом келажак демакдир. Икки ёшни бирлаштирувчи тўйнинг кам харажатли, ихчам ҳолда тартибли ўтишини таъминлашга эса ҳамма масъул ҳисобланади. Тўйлар ҳам тарбиявий аҳамиятга эга бўлгани боис уларнинг камтарона, тартибли ўтиши ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир.

Гулбаҳор ШАҲАРОВА,
Фориш тумани

СУД ҚАРОРИ: Унинг ижроси нега пайсалга солинмоқда?

(Давоми. Боши учинчи бетда.)

Биз суриштирув жараёнида банк мутахассислари ва ҳуқуқшунослари билан суҳбатлашиб, улардан зарур маслаҳатлар ҳам олишга эришдик. Мана улардан бири билан танишинг:

— Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30-январ кунидаги 615-сонли қарорида, — дейди банк бўйича ҳуқуқшунос Аҳад ака Сатторов, — банклар биринчи навбатда бюджет, нафақа, пенсия тўловларини амалга оширгач, иккинчи навбатда суд қарорлари асосида банкларга қўйиладиган тўловларни амалга оширишга мажбурдир, деб алоҳида таъкидланган. Шу сабабли вилоят "Уйжойжамғармабанк" суд қарорини била туриб бажармаган...

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорида мабодо банклар суд қарорларини асоссиз равишда бажармаса, катта миқдорда жарима тўлаш билан жазоланиши ҳам алоҳида қайд этиб ўтилганини ушбу расмий ҳужжат билан танишгач, билиб олдик.

Мақолани тайёрлаш жараёнида эса шу соҳадаги билимларимизни сал мустаҳкамлагандай бўлдик. Гап шундаки, мабодо жавобгар даъвогарнинг тўловини амалга ошириш қодир бўлмаса, уни ундириш жавобгар корхонадаги молмулкка қаратилиши лозим. Аммо шу соҳанинг барча мутахассислари, банк ходимлари билан бўлган суҳбатларда "Таълим савдо" корхонасини тилга олишимиз билан улар: "Ў-ў, ўзига яраша бақувват корхона, унинг банкдаги ҳисоб рақамида миллионлаб маблағлар соат каби айланиб туради", дейишди.

Дарвоқе, бу гапларда жон бор. Вилоят "Таълим савдо" Сурхондарёдаги барча мактабларни ўқув қуроллари, инвентарлар, китоблар ва ҳоказолар билан таъминлайдиган ягона корхона ҳисобланади. Ўтган бир ярим йилда унинг банкдаги ҳисобида қанчадан-қанча маблағлар айланиб ётибди-ю, суднинг ҳал қилув қарори бир четга суриб қўйилганлиги ажабланарлидир...

Биз шу масала юзасидан вилоят "Уйжойжамғармабанк"нинг ҳуқуқшуноси Қурбонали Тангиров билан учрашув мавзуига аниқлик киритдик:

— Даъвогар ҳақ. Банк суднинг ҳал қилувчи қарорига асосан қўйилган 2001 йил 2 май кунидаги 4-сон тўловномани аллақачон амалга ошириши лозим эди, — дея Қурбонали ака бу ишга масъул бўлган банк ҳисобчи Роза опа Саидовани ҳузурига чақирди.

— Бундан барчанинг хабари бор, — дейди Роза опа. — Лекин билмадим нимага тўлашмаяпти?

Шу ишга бевосита масъул ҳисобчи опамизнинг бундай бамайлихотир жавобидан сўнг суднинг ҳал қилув қарори қоғозда ўз қадрини йўқотиб, чанг босиб қолганига янада ишонч ҳосил қилдик.

Банк ходимлари билан учрашганимизда улар аввалига маблағни шу куниёқ даъвогарнинг ҳисоб рақамига тушириб беришга киришиб, сўнг банк ҳуқуқшуноси Қурбонали Тангиров, масъул ҳисобчи Роза Саидовалар тушдан кейин 16-17 октябр кунларида 600 минг сўмни ундириб беришга, шу ой охиригача эса барча тўловларни амалга оширишга ваъда қилишди. Бундай қуруқ ваъдаларни "Таълим савдо" корхонаси раҳбари Нормирза Ёқубов билан учрашганда ҳам қўлтиғимизга қистиришди. Минг афсуски, орадан бир ҳафта ўтган бўлса ҳам, ваъдалар ваъдалигича, суднинг қарори қарорлигича қоғозда қолиб кетмоқда.

Бугун халқимиз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида меҳнат қилаётган экан, турмушимизда учрайдиган ҳар бир муаммо қонун доирасида ўз ечимини топиши керак. Юқоридаги фикрлардан шундай ҳақли савол туғилади: хўш, суднинг ҳал қилув қарори нега ўз вақтида ижро этилмади? Бунинг учун ким жавоб беради?

Ана шу саволларга мутасадди ташкилотлардан жавоб кутамиз.

Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Qabohat

АДАШГАН ҚУРОЛФУРУШЛАР

Дўстингни айт, кимлигингни айтаман, деган экан қадимда бир донишманд. Бу гап аслида яхши ният билан бир-бирига ёндашган дўсту биродарга ҳам, ёмон ният билан бош қовуштирган улфат ёки ҳамтовоққа ҳам бирдай тааллуқли. Қамашилик Бахтиёр Абдуллаев ёши қирқдан ошиб, 7 нафар фарзандининг отаси бўлишига қарамай бирор касб-корнинг этагини тутмади. Алал-оқибат у қинғир йўл билан даромад орттирмоқчи бўлиб, нопок ошно топди-ю, балога йўлиқди.

У Қарши шаҳрида Рашид деган йигит билан танишиб, у билан дўст бўлди. Ана шу дўсти бир куни Бахтиёрдан "героин" гиёҳвандлик моддаси топиб беришни сўради. Албатта, мўмайгина пул ҳам ваъда берди. Шундан сўнг Бахтиёр дўстига оғу топиб бераман, деб лафз қилди. Келишувга биноан Рашид дўстининг уйига яна келадиган бўлди. Орадан кўп ўтмай Рашид Мурод деб таништирган ҳамроҳи билан Бахтиёрнинг ҳузурига келиб, "агар "героин" топилмаса, ўқотар қурол топилса ҳам майли, нақд "кўки"га сотиб оламиз", дейишди. Бахтиёр эса уларга воситачилик баҳонасида мўмайгина пул ишлаб оламан, деган хаёлда яна ваъдани қуюқ қилди. Рашид учинчи бор келишида Муроднинг касалхонага тушиб қолганини, қурол сотиб олиш учун бошқа бир танишини юборишини айтиб, «операция»ни тезлаштиришни сўради. Шундан сўнг Бахтиёр қурол топиш илинжида Қарши шаҳрига келиб, эски таниши Рустам Диёровга қурол топиб берса, мўмай пулга сотиб беришини айтди. Рустам бу таклифга жон деб рози бўлди ва кўп ўтмай қаердандир бир дона пистолет ва граната дарагини топди. Бу хабарни эшитган Бахтиёр яна ҳаялламай Рашидга учрашди. Икковлон шифохонада ётган Муроднинг ҳузурига йўл олишди. Мурод қурол топилганини эшитиб, сотиб олишга бошқа ўртоқларини юборишини айтди ва бир дона гранатани 1000 АҚШ долларига, пистолетни эса 250 АҚШ долларига сотиб олишга рози бўлди. Қурол "операцияси" ўтказиладиган жой ва унинг вақти ҳам аниқ келишиб олинади. Бахтиёр Рашид билан гапни бир жойга қўйиб, Рустамнинг ишхонасига борди ва унга харидор Эски бозор ёнида кутиб турганини маълум қилди. Шунда икки ҳамтовоқ Рустамнинг Ихтиёр исмли ўртоғи машинасига ўтириб, Рустамнинг уйига йўл олишди. Рустам уйга кириб чиқиб, целлофан пакетга ўралган граната ва пистолет олиб чиқди. Келишилган жойга боришиб, харидор билан учрашишди. Кейин савдолашишга ўтишди. Сотувчилар жанговар қуролларнинг бекаму кўст ишлашига кафолат бериб, пулни олишаётганда, "харидор" ўзини Миллий хавфсизлик хизмати ходими деб таништирди. Кейин қуролфурушлар қўлига кишан солинди.

Суд балистика экспертизаси пистолет Тула қурол заводида ишлаб чиқарилгани, граната эса завод услубида тайёрланган "Ф-1" русумли ўқув гранатаси бўлиб, портловчи моддалар турига кирмаслиги тўғрисида хулоса берди.

Судда қуролфурушлар Рустам Диёров ва Бахтиёр Абдуллаевнинг айби тўлиқ тасдиғини топди ва уларга қонуний жазо тайинланди. Шу тариқа қуролфурушлар ўзларининг адашганини тан олишди.

Шу ўринда қуйидаги мулоҳаза туғилади: айбдорлар пул топишнинг бундай жирканч тури ажал воситаси эканини билиб, наҳот сесканишмаган бўлишса? Ахир, улар инсон умрига зомин бўлиши мумкин эдику?! Хайриятки, уларнинг қабих ниятлари амалга ошмади.

Жамила БЕРДИЕВА,
ҳуқуқшунос



Дарё тўлишган чоғлар...

УШБУ СОНДАГИ СУРАТЛАР МУАЛЛИФИ АБДУҒАНИ ЖУМАЕВ

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

Бир одам дўхтирнинг ҳузурига келиб, кураклари орасида оғриқ борлигидан зорланибди:

— Чекасизми? — сўрабди дўхтир.

— Йўқ.

— Ичасизми?

— Йўқ.

— Аёллар билан юрасизми?

— Йўқ.

— Ундай бўлса, кураклорингиз орасидан қанот ўсиб чиқаётган экан...

* * *

— Хоним, уялмайсизми? Ўзим кўрдим, анави француз сизни хилватда бир неча марта ўпди.

— Рад қилишнинг иложи йўқ эди, афандим. Мен француз тилини билмайман.

Nafs balosi

ТЕКИН ТАОМ ТОМОҚ ТЕШАР

Марҳамат туманидаги Бобур номидаги ширкат хўжалигида яшовчи бир гуруҳ оналар ўртасида шундай гап сўзлар бўлиб ўтди:

— Туман "Халқ банки"га қатнайвериб, оёғимда оёқ қолмади, дугонажонлар. Икки ёшли болам учун бериладиган 5831 сўм пулни оламан, деб охир-оқибат ҳафсалам пир бўлди.

— Мен ҳам шунча миқдорда пул олишим керак эди. Биласиз, уй бекасиман, ёш бола парвариши билан шуғулланаман.

— Сизларнинг 5831 сўм бўлса, Иродахон Асқарова 16 минг 807 сўм пулини ололмай доғда, — дея гапга қўшилади бошқа бир аёл.

— Ахир ҳукуматимиз биз аёлларга фарзандларимиз парвариши учун шундай имтиёзларни яратиб берган бўлса, уни бермасликка, турли баҳоналар қилишга кимнинг ҳадди сиғади экан-а? — деб жиғибийрон бўлади бир онахон.

— Туман "Халқ банки"да Хурсаной Раҳимова деган кассир қиз бор. Ким билади, дейсиз, шунча "ҳунарлар" кўрсатса ҳам бирор одам унинг мушугини "пишт" демайди-я.

— Қизиғи шуки, бу устамон кассир 18 ёшгача бўлган болаларга берилиши лозим бўлган пулларни ҳам "туя" қилган дейишади...

Онахонлар шу тариқа афсус-надомат билан тарқалишди. Кетатуриб улардан ёши улуғроғи:

— Болалар ҳақини еганнинг охири вой бўлади, — дея хулоса ясаган бўлди.

Кўп ўтмай онахонларнинг дуоси Яратганга етди шекилли, Марҳамат туман "Халқ банки"да кассирлик қилаётган Хурсаной Раҳимованинг ҳоли «вой» бўлди...

Хўш, Хурсаной Раҳимова ким ўзи?

У 2000 йилнинг 4 март кунидан бошлаб шу банкнинг 01-шаҳобчасида кассир бўлиб ишлаб келади. Ўз фойдаси учун "довюрак" бўлган Хурсаной Раҳимова шу йил январ, феврал, март, апрел ойлари учун тузилган 18 ёшгача болали оилаларга берилиши лозим бўлган нафақа пулларидан Бобур номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи фуқаролар Замира Юсупова номига 4802 сўм, Ҳайдарали Раҳимқулов номига 6002 сўм, Умринисо Қосимова номига 6002 сўм, Дилфуза Мадалиева номига 10325 сўм, Муҳаррам Абдувоҳидова номига 5523 сўм, жами — 5 нафар фуқаронинг 32 минг 654 сўм пулини имзоларни сохталаштириб, ўз манфаати йўлида ишлатиб юборган.

Бу "операция" муваффақиятли якун топгач, Хурсанойнинг "иштаҳаси" янада очилади. У жорий йилнинг январ, феврал, март, апрел ойлари учун тузилган 2 ёшгача фарзанди тарбияси билан банд бўлган оналарга берилиши лозим бўлган нафақа пулларидан Бобур номидаги ширкат хўжалигида яшовчи 14 нафар фуқаронинг 93 минг 177 сўм пулини ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан ўзлаштириб юборади.

Ҳар бир ишнинг интиҳоси бўлгани каби Хурсанойнинг "қизғин фаолияти" га ҳам якун ясалди. Яъни ҳуқуқ-тартибот идораларининг саъй-ҳаракати билан Хурсаной Раҳимованинг 125 минг 831 сўм пулни ноқонуний тарзда ўзлаштиргани, ҳужжатларни сохталаштириб, болалар ҳақига хиёнат қилгани фош бўлди. Сўнгги хулосани эса одил суд беради.

Шукуржон ЖЎРАБОЕВ,
ҳуқуқшунос

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

Ходимни истаган пайтда ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиб қўйиш ҳеч бир бошлиқнинг кўнгил иши эмас. Шунингдек, қонун бошлиққа алоҳида, ходимга алоҳида эмас — у ҳаммага баробар. Буни Деҳқонобод туман марказий шифохонасининг бош шифокори ўз вақтида англаб етмади. Шу сабабли унинг қўл остида жарроҳлик бўлимининг мудири лавозимида ишлаб келган Норменгли Шарипов сарсон-саргардон бўлди. Норменгли Шарипов 1997 йилдан буён шифохонанинг хирургия бўлимида мудир бўлиб ишлаб келган. Шифохона маъмурияти уни 2001 йилнинг 25 август куни 120-Т-сонли буйруғи билан эгаллаб турган бўлим мудирлиги вазифасидан озод этиб, шу бўлимга врач ординатор вазифасига ишга тайинлайди. Маъмурият уни ишдан бўшатишда Меҳнат қонунларига риоя қилмасдан, яъни уни ишдан бўшатиш ҳақида огоҳлантирмасдан, меҳнат интизомини қачон ва қандай қилиб бузганлиги ҳақида "тушунтириш хати" олмасдан ишдан бўшатган.

Бу ҳақда Н. Шарипов бир неча бор бошланғич касаба уюшмаси раисига, бош шифокорга мурожаат қилган. Улар эътибор бермагандан кейин вилоят тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси раисига ариза берган. Уюшма раиси С. Рустамова аризани атрофлича ўрганиб, Н. Шариповнинг вазифасидан озод этилиши ноқонуний эканлиги тўғрисида бош шифокор номига хат жўнатган. Ана шундан сўнг шифохона маъмурияти аввалги буйруқни бекор қилиб, 29 август куни 123-Т-сонли буйруқ чиқариб, шу буйруққа "жамоатчилик асосида юклатилган бўлим бошлиғи вазифасидан 22 август 2001 йилдан озод этилсин" деган жумлаларни қўшиб қўйган. Шунингдек, ташкилот раҳбари яна "суднинг тақдимномасига кўра иш вақти ҳуқуқбузарлик содир этгани учун ишдан бўшатилди" деган мазмунда буйруқ чиқарган. Бироқ ишдан бўшовчи ходим бундан бехабар бўлган.

Шу тариқа ғайриқонуний ишдан бўшатилган Н. Шарипов 8 ой мобайнида сарсон бўлди. Шундан сўнг у фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро судига мурожаат этди.

Суд даъвогар ва жавобгарнинг важларини батафсил ўрганиб чиқди ва Норменгли Шариповнинг даъвосини қаноатлантиришни лозим топди. Шифокор ўз ишига қайтиши баробарида марказий шифохона маъмуриятидан 60 минг сўм маънавий зарар ундириб оладиган бўлди. Қош қўяман деб кўз чиқаришга бир баҳя қолган бош шифокор энди бундан тегишли хулоса чиқарадимий-йўқми — буни вақт кўрсатади.

О. ТАНГМАТОВ,
ҳуқуқшунос

Nadomat

Ўзбекистон Судьялар Ассоциацияси Ассоцияция марказий кенгашининг аъзоси, жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг ранси Назар Қаршибоевга укаси

Наврўз ҚАРШИБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи: Жаъфар ЖАББОРОВ
Компьютер операторлари: Мадина АБДУЛЛАЕВА, Дилноза ШОКИРОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.